Mustaqil gazeta
HURRIYAT
1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan №2 (256) 2002-yil 16-yanvar

Ҳамкорлик

"ҚОРАКЎЛТЕКС" ЗАМОНГА МОС ОДИМЛАМОҚДА

Юртбошимиз ва республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлашлари туфайли саноатимизга чет эл инвестицияси дадил кириб келмоқда. "Қоракўлтекс" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси Бухоро вилоятидаги йирик меҳнат жамоаларидан биридир.

Қадимда Пойкенд номи билан машҳур бўлган Қоракўл ўзининг олтинга тенг терилари билан дунёга машҳур. Бухорода 1987 йилнинг 17 мартидан ип йигирув фабрикаси ташкил этилган эди. Ингичка толали пахтадан трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган корхона вилоятда ингичка толали пахта етиштириш йўлга қўйилмаганлиги учун хом ашёни Сурхондарё, Жиззах каби вилоятлардан ташиб келтирар, калава ип тўқилгач, Андижондаги трикотаж фабрикасига жўнатарди. Эскирган дастгоҳлар ишдан чиқиб, режалар бажарилмай, маҳсулот сифати ёмонлашиб борарди.

Мустақилликка эришгандан сўнг 1991-1992 йилларда ускуналарнинг параметрлари ўзгартирилиб, маҳаллий пахтадан калава ип тўқишга мослаштирилди. Бироқ кўрилган тадбирлар кутилган самарани бермади. Шунинг учун ҳам 2001 йилнинг 24 мартида фабрика ўрнида Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасига асос солинди.

Қўшма корхона "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти ва Американинг "Делфи ЛЛС" компанияси томонидан имзоланган шартномага мувофиқ таъсис этилган. Устав жамғармаси — 4761052 АҚШ доллари миқдорида. Шундан "Бухоротекс"нинг улуши 49 фоиз, яъни 2333338, сармоядор "Делфи ЛЛС" Америка компаниясининг улуши 51 фоиз, яъни 2427714 АҚШ долларига тенг.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хориж сармояси 2427714 АҚШ доллари билан чекланган эмас, Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан 4972359 АҚШ доллари миқдорида кредит ҳам олинди.

Қўшма корхонанинг умумий қиймати 10,5 миллион АҚШ долларига тенг. Бир йилда 4 минг тонна пахта толасидан 3800 тонна калава ип ишлаб чиқаради. Тайёрланган маҳсулотлар Корея, Италия, Россия, Германия сингари хорижий давлатларга, бир қисми ички бозорда сотилади.

Илғор технология ва жараёнлар ишчи-хизматчи, инженер техник ходимларнинг тажрибакорлиги туфайли бенуқсон бажарилмоқда. Корхонада Германиянинг "ТРЮТЧЛЕР", "ЛТГ Инжиниринг" CSM, "ШЛАФХОРСТ" заводлари, Чехия давлатининг "ЭЛИТЕКС" фирмаси дастгоҳлари ўрнатилган. Пахтани титиш-саваштан тортиб, тараш, пиликлаш, йигириш ва калавалашгача бўлган барча жараёнлар ягона ҳалқа бўйлаб компьютер тизимида бошқарилади. Дастгоҳлар олдида турган оператор иш маромини синчковлик билан назорат қилади. Энг муҳими, жисмоний толиқиш барҳам топади, одамларнинг меҳнатга онгли муносабати шаклланади.

Бош муҳандис Эргаш Муродовнинг ҳикоя қилишича, йилнинг ўтган ойларида 2500 тонна калава ип ишлаб чиқарилиб, 1 миллиард 400 миллион 342 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган.

— 2003 йилга бориб тўла қувват билан ишлай бошлаймиз, — дейди директор Меҳриддин Мансуров. — Ходимларимиз "Бухоротекс", Тошкент ва бошқа йирик шаҳарлардаги ип-йигирув фабрикаларида малака оширдилар. Ҳиндистонлик мутахассис Ранжа Мохан ходимларга ишлаб чиқариш технологиясини ўргатди. Интернет тизимига уланганлиги туфайли ривожланган мамлакатлар "Қоракўлтекс" маҳсулотларидан воқиф бўлишаяпти.

Яқинда Россиянинг "Трехгорная мануфактура" корхонасидан сифатли калава ип етказиб берганлиги учун жамоага миннатдорчилик мактуби ҳам келди. Ҳамдўстлик мамлакатларида "Қоракўлтекс" маҳсулотларига талаб кўпаймоқда.

Корхонада эса меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги учун 32 миллион сўм маблағ харажат қилинди. Кам даромадли оилаларнинг фарзандларига 150 минг сўмлик дарсликлар тарқатилди. Шаҳардаги 7-мактабни таъмирлаш учун 212 минг сўмлик қурилиш материаллари олиб берилди. Тумандаги лицей-интернатнинг 4 нафар ўқувчисига ойига 5 минг сўмдан, 4 нафар ўқитувчисига 10 минг сўмдан стипендия жорий қилинган.

"Қоракўлтекс" келажакда хориж сармоясини киритиш орқали корхонада тўқув фабрикасини ишга тушириш режалаштирилган. Ана шунда 200 та янги иш ўрни яратилади. "Қоракўлтекс" тимсолида мамлакатимиз пахтасидан тайёрланган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин олганлигини яққол кўриш мумкин.

Иззат ҲИКМАТОВ,
журналист

Шавкат АКРОМОВ фотоси

Иддао

ФУТБОЛНИ РАҚОБАТ КУЧАЙТИРАДИ

Миллий чемпионатимизнинг савияси пастлиги, сустлиги, олий лига жамоаларининг сони кўплиги, баъзи жамоалар ўйинининг майнавозчиликка айланиб кетиши ҳамда рақобатнинг йўқлиги футболимизнинг жаҳон майдонларида қад ростлашига халақит бермоқда, деб ўйлаймиз.

Тўғри, мутасаддилар катта ишларни олиб бормоқда. Лекин футбол аллақачон бошқа спорт турлари орасида етакчи ўринни эгаллаб бўлган. Шундай экан, бизнинг асосий мақсадимиз оммавийлашган футболни оммавийлаштириш эмас, балки қолоқ футболни ривожлантиришдан иборатдир. Бунинг учун 2003 йил мавсумдан бошлаб олий лига жамоалари сонини камайтириб рақобатни кучайтириш, мамлакатимизда етишиб чиқаётган футболчиларни жисмонан, тактик маҳоратини ҳозиргидан анча юқорига олиб чиқиш, болалар футболига эътибор бериш лозим.

Шу кунларда чемпионатимизда иштирок этаётган футболчиларнинг жисмоний тайёрлиги қониқарсиз. Буни футболчиларимизнинг бошқа чет эл жамоаларида кўрикдан ўта олмаётганликларидан ҳам билиш мумкин. Ҳақиқатни тан олиш керак. Ўзбекистон бу таркиб билан жаҳон чемпионатига чиқа олмасди. Энди ҳамма айбни собиқ мураббий Сальковга ағдариш ҳам нотўғри. Биз бу гапимиз билан Сальковнинг "Ўзбекистонда маҳоратли футболчилар йўқ" деган фикрига қўшилиш ниятида эмасмиз, лекин яна қайтариб айтамиз, бизнинг футболда рақобат йўқ.

Эътибор берган бўлсангиз, миллий терма жамоамиз тайёргарлик босқичида ўртоқлик учрашувларини деярли ўтказмади. Рақиблар ҳам асосан кучсиз жамоа эди. Мана шу 11 йил ичида бирор марта ҳам Европа ёки жаҳоннинг "гранд" жамоалари билан учрашув ўтказмаганимизнинг сабаби нимада? Ёки мағлубиятдан қўрқамизми?

Бу борада бир нарсага ҳайронмиз. Нега ёшларимиз ҳар хил жамғармалар орқали чет элга ўқишга юборилаяпти-ю, футболчилар эса йўқ? Нега бундай жамғарманинг ўзи йўқ? Нега, 17-18 ёшгача бўлган, футбол ўйнашга иштиёқи баланд, ажойиб истеъдод соҳибларини танлаб олиб чет эл мамлакатлари Испания, Англия, Франция, Италияга юбориб, малакаларини ошириб келиб Ўзбекистон учун ўйнашига йўл қўймаймиз? Шундай ишлар билан шуғулланадиган жамғарма тузса бўлади-ку, ахир.

Зоир ҲАКИМОВ,
Музаффар АКРОМОВ,
Тошкент давлат санъат институти толиблари

Эътироф

АЙНИ ИЖОД ДАВРИ

Шинаванда: — Ижодлар нима бўляпти?

Санъаткор: — Янги йил, арча байрамлари билан бандмиз.

Шинаванда: — Ижодлар бўлиб турибдими?

Санъаткор: — Хотин-қизлар байрами билан бандмиз.

Шинаванда: — Ижод юришяптими?

Санъаткор: — Наврўз айёмлари ўтиб олсин, у ёғи...

Шинаванда: — Ёзда ижод гуллагандир?

Санъаткор: — Тўй мавсумида ижод эмас, пул гуллайди.

Шинаванда: — Ижод оламида нима гап?

Санъаткор: — Бутун диққат-эътиборимиз истиқлолни муносиб нишонлашда.

Шинаванда: — Ижодга гал келдими?

Санъаткор: — Касб байрамимиз бор, сўнг ўғилнинг бошини иккита қилмоқчимиз. Худо хоҳласа, кейин...

Шинаванда: — Айни ижод қизийдиган давр келди-я?

Санъаткор: — Янги йил, арча байрамларини ўтказиб олайлик...

УШБУ СОНДА:

"Дилхирож"ни кўринг! 2
Регистонда замбарак отманг 3
Ҳуқуқни ўрганиш замони 4–5
Европа бирлашаяпти... 6
Раскольниковни ўзбекча гапиртирган мутаржим 7
Даврабоши масхарабоз эмас 8

ИСТАК

Ҳожибой Тожибоев:

— Ҳар битта нон дўкони ёнида китоб дўкони ҳам одамларимизни ўзига чорлаб турса...

Хат

КЎНГИЛЛАРНИ ТУГАШТИРУВЧИ ТАБРИК

Дунёнинг "нариги" чеккасидан йўлланган мактуб



Новый год пусть приласкает,
Счастье в жизни принесёт.
Пусть надежда согревает,
А судьба пусть бережёт!

Янги 2002 йилнинг ярим ойини ҳам "бисот"га айлантириб улгурдик. Шу тариқа йил ҳам эскириб боради, кундалик ташвишларга андармон кунлар бир-бировини қувиб, инсон ҳаётининг азиздан-азиз онларини тарихга айлантираверади. Тирик инсон борки, умрнинг ҳар дақиқасини қувончларга, шодиёналарга тўлдиргиси келади.

Бу борада йил бошидан кўра эзгу тилакларга, олқишу офаринларга бой сана оз. Кишилар бир-бирларига дилининг энг тўридаги яхши ниятларни изҳор этадилар. Яхши ниятда гап кўп, зеро яхши ният одамнинг ўзига ҳам қайтади. Яхши ниятлар масофа билмайди, яхши ниятлар энг олислардаги кўнгилларни туташтиради.

Қайси хонага қадам ранжида қилманг, даста-даста табрикномалар, бири-биридан гўзал, рангин суратли табрик хатларини кўриб кўзингиз қувнайди. Шунинг ўзи ҳам баҳри-дилингизни очади.

"Ҳуррият"га ва "Ҳуррият"чиларга бир дунё табрикномалар олинди. Улар орасида танишлар, ёр-дўстлар, ўзимиз дурустроқ танишиб улгурмаган муштарийларимиз борлиги кўнгилни кўтаради. Уларнинг ҳар бири хусусида истаганча дил сўзларини баён этиш мумкин. Лекин, мана буниси...

"Россиянинг энг узоқ шаҳридан, яъни Мурманск шаҳридан алангали салом!" деб бошланибди бир табрикнома. Шу сўзларнинг ўзи ҳаяжонлантириб юборди бизларни. Тошкент қаерда, "Ҳуррият" қайдаю, Мурманск қаерда?!

"Биз томонларда ҳаво кун сари совуяпти, совуган сайин уйни, Она шаҳримни қўмсайман, — деб ўқиймиз мактубни. – "Ҳуррият"ни биринчи марта қўлимизга олганимиздаги қувончимизни тўла тасвирлаб беролмайман! Ёш боладек қувониб кўни-қўшниларга, танишларга кўрсатиб мақтандим. Кўпчилик аввалига ишонишмади, сўнг, қойиле, деб газета ҳатто ўзбек тилида ўқий олмайдиганлар орасида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди".

Бундай сўзларни ўқиш ҳар қайси газетачи учун марокли албатта. Биз хат муаллифи тасвирлашга уринган манзара ва ҳолатни кўз олдимизга келтиришга ҳаракат қилдик, Мурманскнинг қорли-қировли қишига бардош бериб ўша томонларда яшаётган ва ишлаётган юртдошларимизнинг сабр-бардошига офаринлар айтдик. Ана ўша сабр-бардош замирида қайноқ юрт соғинчи турганига имон келтирдик.

"Газетани турмуш ўртоғим хизматини ўтаётган денгиз сафаридаги кемага почта орқали жўнатдим, — деб ёзади муаллиф, — у киши газетани олибоқ бизга қўнғироқ қилиб ўзбекча газета Тошкентдан Мурманскка, у ердан денгизда юрган кемага етиб борганига кўзлари ишонмаётганини айтдилар. Бундай дақиқалардаги қувончни ҳеч нарсага алмашиб бўлмайди!.."

Хатга қўшилган рангдор табрикнома унвонида шундай сўзлар битилган: ***"Жалоловлар оиласи аъзолари – оила отаси Фарҳод, қиз – Шаҳноза, ўғил – Рамиз ва каминангиз – Шаҳлохон".***

Битилган сўзлардан сездикки, хатни Шаҳлохон ёзганлар.

Шаҳлохон! Биз "Ҳуррият"чилар сезиб турибмиз, мусофирчилик машаққатларини зиммага олган одамлар учун юрт ва юртдошлар билан мулоқотдан кўра юксакроқ қувонч йўқ. Сизларни ана шу қувонч тарк этмасин. Хизматларни ўтаб, она юртимизга, она Тошкентимизга қайтиб келиш насиб этсин, сизларга! Янги йил дийдор кўришиш, меҳр-оқибат йилига айлансин!

Камоли эҳтиром билан

"ҲУРРИЯТ"чилар жамоаси

Кино

АВЛОДЛАР ҚЎШИҒИ

Киночилар уйида ёзувчи Эркин Аъзам ва режиссёр Юсуф Розиқов ҳамкорлигида яратилган «Дилхирож» бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ҳар икки зални лиқ тўлдирган тумонат одам қатнашди. Фильм илк намойишиданоқ томошабинларда ёркин таассурот қолдирди.

Янги асар баҳонасида янги фикрлар эшитдик. Чунончи:

Эркин АЪЗАМ *(сценарий муаллифи)*: «Кино Бойсун одамлари ҳақида. Фильмда бирор ёмон одам йўқ. Жиддий конфликт, кураш йўқ. Мавзу қадимий ва ўлмас муҳаббат тўғрисида. Инсонни, инсониятни муҳаббат тутиб турмайдими, ахир? Бир соату 20 минут давомида фильм одамларни банд қилиб турармикан, деб хавотирлангандим. Банд этиб турар экан. Бунга ишонч ҳосил қилдим».

Исмат ХУШЕВ *(«Ҳамкор» газетаси)*: «Кўплар қатори катта залда кинони тик туриб кўрдим. Жой йўқ эди. Кино пири Шуҳрат Аббосов ҳам тик оёқда кўрди. Ёнимда тик турган қизча билан қаҳрамон Санамнинг икки томчи сувдай ўхшашлигидан «Бу сенмисан?» — деб сўрадим. «Ўзимман», — деди. Ўнинчи синф ўқувчиси бўлса кераг-ов. Зўр актриса бўласан, — дедим.

Хуршид ДАВРОН *(«Ёшлар» телеканали)*: «Бу ҳаётбахш самимий фильмнинг икки жойида кўзимдан ёш чиқиб кетди: Санамнинг том оша югуриб ўз жуфтини армияга кузатганию, кампиршонинг имижими ўлими эпизодида».

Низом КОМИЛ *(таржимон, адиб)*: «Яхши фильм бўпти. Президентимиз, «Қачон бу жангарию эротик фильмлардан халос бўламиз? Қачон чинакам миллий фильмлар яратилади? Ўзбекнинг ўзига хосу ўзига мослигини ким бадиий кўрсатади?!» дея жон койитарди. Шу даъватга зўр жавоб бўпти».

Мирпўлат МИРЗО *(«Жаҳон адабиёти» журнали)*: «Мен муаллифлар, актёрлардан ҳам кўра (албатта уларнинг ижодий маҳоратига гап йўқ) томошабинларимиздан хурсанд бўлдим. Саҳнадан тушиб келган муаллифлару артистларнинг ўзига ҳам жой қолмаган эди. Ўзимиз — ёзувчи-журналистлар ўринсиз қолишимизга ҳам оз қолди. Бу нимадан? Халқ санъаткорлардан яхши, замонавий, миллий асарлар кутиб яшаётганидан».

Фильм муаллифи айтмоқчи асар азалий ва абадий мавзу — муҳаббат ҳақида. Бироқ бу муҳаббат умумий, абстракт туйғу ифодаси бўлган севгидан иборат эмас. У ўта миллий, хусусий — ўзбек муҳаббати, севиб- севилиши тўғрисида. Ўзбекнинг ҳам ўзига хос бир қавмининг нозик туйғулари ҳақидадир.

Шундоқ девор-дармиён қўшни ўғил кўрганида бир тўй, қувонч. Иккинчиси «ҳолва» — қизлик бўлганида яна хурсандчилик, қўшалоқ омад. Ҳамсоя боболару момолар анъанаси билан норасидаларни «бешик кертди», «қулоқ тишлар» қилиб гўдакликдан унаштириб қўйишади. Қуда-андачилик шундан бошланади. Эски ўзбек удуми икки ёшни бир-бирига боғлаб, тақдирини туташтиради. Айни пайтда, яна шу эски миллий удумларимизнинг ўзи, уларнинг вақтида қовушиб, эмин-эркин оилавий ҳаёт кечиришларига монеълик қилади. Балоғат ёшига етишгач, уйланишнинг биринчи босқичи — Сурхондарё, Қашқадарёнинг айрим туманларида сақланиб келаётган «қаллиқ ўйини» — «ўғринча» келиб чимилдиқда қизнинг уйида қўшгани билан қовушиш маросими ва бу жараённинг руҳий-психологик жароҳатлари, никоҳга энди етдим деганда, қайсар чол муаллим боласига глобус олдирмаган бобонинг ўлими, бундан никоҳнинг яна сурилиши...

Болаликдан унаштирилган келин-куёвнинг девор дарчасидан бир қадам ўтиши йилларга чўзилади. Қишлоқнинг қадимий одатига кўра, эр етган йигитлар қизларни саралаш-танлашда махсус курашга тушишади. Бу «кўпкари»да навбат Санамга келиб қолгани ҳам фильм қаҳрамонлари покиза муҳаббатини тағин тахлика остига қўяди. Жони-жаҳони кўзига қоронғи кўринган Тоштемир умрида кураш тушмаган бўлса-да, совриндор полвонга тараф бўлиб чиқади. Мухораба чўзилгандан чўзилиб, дуранг билан тугайди. Оқшом оқибат Тоштемир енггач, томошабин-гувоҳ бўлмайди.

— Афсус, — дея ўкинади Тоштемир қон йиғлаб, — енгганимни ҳеч ким кўрмади...

— Мен кўрдим! Кўрдим! — Мужда беради ёмғир остида ҳаёт-мамот курашини жон ҳолатда осма кўприк устида кузатган Санам.

«Қаллиқ ўйин» ҳосиласи бола туғилиши. Тўй бошланди деганда Тоштемирнинг ҳарбийга чақирилиши. Икки ой қолганда хотини ва боласи висоли илинжида армиядан қочиб келиб, дезертир бўлиши эпизодлари энг таъсирли саҳифалардир.

Миллий фильмнинг яна бир фазилати — авлодлар ўртасидаги қариндошлик масъулияти, бобою-буви, отаюона, ёш эр-хотин кенжа бўғин невара-бола буларга воситачи яқин қариндош тоға. Улар орасидаги ўзбекона асрий, оилавий муносабатлар. Ёшларнинг истиқболи учун кексаларнинг, кексаларнинг қарилиги ва ўлими сариштасига ёшларнинг фарзандлик бурчлари ишончли ва жонли тасвирланган. Бу жиҳатдан асарни авлодлар қўшиғи деб аташ мумкин.

Фильмда жузъий нуқсонлар учрайди. Мисол учун, боланинг қўлини ҳалоллаш, ҳарбийга кузатиш пайтларида ўзбекчиликда нон тишлатилади. Бироқ, муаллиф ва актёрлар халқимиз нонинг юзини юзга қилиб тишлашини, бу қадимий удум билан ризқ-насиба нонга буюк ҳурмат билдиришларини унутиб, тескари тишлатишган...

Тоштемирнинг отаси география муаллими ўқувчи бола бошини «глобус» қилиб дарс ўтади. Ажойиб топилма. Бироқ, унинг гўдак ўқувчиларга қаратилган дарс нутқи ўта илмий, жуда расмий чиқиб қолган. Шуни содда, жайдари, одми ва индивидуал нутққа айлантириш қийин эмас...

Хулоса қилиб айтганда, «Дилхирож» мустақиллик йилларида яратилган биринчи йирик кинодостон сифатида бугунги кун авлодлари ҳаётига ёруғ нурдай ойдинлик киритиб, халқимиз соф миллий фазилатларини аввало ўзимизга, қолаверса, дунёга кўрсатишда беқиёс катта ҳисса қўшади деб умид қиламиз.

Маҳмуд САТТОРОВ

Нашр

НАМАНГАНДАН ТАРАЛГАН НОЛА

Ўзбек миллий театри ва қўшиқчилик санъати ривожига улкан ҳисса қўшган машҳур санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова ўзининг бетакрор овози, ҳеч кимга ўхшамаган ижро йўли билан ўзига хос мактаб яратиб кетган. Унинг дилбар овозидаги ноласи тингловчилар, томошабинлар қалбидан мангу макон топган. Ўзбекистон телевидениеси диктори Ҳалима Юсупова буюк санъаткор нолаларининг ашаддий шайдоларидан бири экан. У Ҳабиба Охунова ҳаёти ва ижодини ўрганишга астойдил киришгач, бу машаққатли ижодий меҳнат самараси бўлмиш "Йўлларингнинг ҳилоли бўлай" деб номланган китоби дунёга келди. Ушбу тўпламдан Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова ҳаёти ва ижодининг энг ҳайратли, энг қувончли ҳамда энг изтиробли лаҳзалари ҳақида битилган ҳикоялар ўрин олган.

"Ҳабиба Охунова ижро этиб кетган қўшиқлар, спектакллардаги арияларни тинглаш жараёнида унинг нола ичра яшашини, нола билан нафас олишини қайта-қайта ҳис қиласиз. Ва беихтиёр вужудингизни қоплаб олган нола сеҳрига ғарқ бўлаётганингизни сезмай ҳам қоласиз. Овоздаги нола тўлғониб-тўлғониб, тошиб-тошиб юракларга кўчаверади, кўчаверади... Ҳабиба Охунова биргина "Алла" қўшиғи билан минглаб оналарнинг юрагига нола бўлиб кирди, минглаб болаларнинг вужудига алланинг бетакрор нолаларини сингдирди. "Алла"ни ўзбек оналарининг гимни дейиш мумкин", — деб ёзади Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали ЖЎРАЕВ "Нолани сурати" дея номлаган сўзбошисида.



Шунингдек, шоирлар, бастакор ва санъаткорларимизнинг тўпламга киритилган хотиралари тўпламни янада бойитишга хизмат қилган.

"Ҳабибахоним Охунова фақат санъат учун яратилган ҳақиқий инсон эди, — деб хотирлайди атоқли санъаткор Камолиддин РАҲИМОВ. — У айниқса, қўшиқ санъати учун фидойи бўлиб кетди. Ўша пайтларда концертларда, гастролларда Ҳабибахон Охунова билан биргаликда ижод қилганмиз. Ҳабибахон ролни ҳам, қўшиқни ҳам қойиллатиб ижро этарди... Ҳабиба Охунова саҳнага чиққанда унда қандайдир сирли куч пайдо бўларди. У ана шу куч туфайли ҳам ўттиз йилдан ошиқ халқимизга ҳалоллик ва фидойилик билан хизмат қилди. У нола ва дард тўла овози билан халқ йўлларидаги, лирик, классик мақом ашулаларини ниҳоятда маромига етказиб ижро этарди".

Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб САЪДУЛЛА Ҳабиба Охуновага бағишланган "Ҳабиба, айлагил хониш" шеърининг яратилиш тарихи ҳақидаги ҳикояси сўнгида шундай дейди:

"Мутахассисларнинг таърифлашларича, Ҳабиба Охунованинг овози, нолакорлиги билан, авж пардасининг баландлиги билан санъаткор аёллар орасида ўхшаши йўқ экан. Бу овозни фақат Ўзбекистонда эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам юксак меҳр-муҳаббат билан қадрлашарди. Унинг қўшиқлари ҳам фақат ўзигагина хос эди. У гарчи Андижоннинг Асакасида туғилиб ўсган бўлса-да, санъаткор сифатида Наманган театри саҳнасида шаклланди. Бир замонлар ажойиб хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Азизова маромига етказиб айтган "Алла" қўшиғини ўзига хос услубда такрорлаган Ҳабибанинг имкониятларини тез илғаган бастакор Каримжон ака Мансуров Ҳабибахон учун Азиз Турсуннинг "Кўрмаган бўлсам", Ҳайитбой Азимовнинг "Кўнгил" ғазалларига ва бошқа қатор шеърларга куйлар басталаб бердики, бу қўшиқлар манзур нафас хонанда репертуарини янада бойитиб, унинг шуҳратига шуҳрат қўшди, номини тилларда достон этди".

Ўзбекистон халқ артисти, таниқли бастакор Абдуҳошим ИСМОИЛОВ шундай ҳикоя қилади:

"Ҳабибахон Охунова — ўзбек миллий ижро йўлининг янги мактабини очган санъаткор. Тоза нафас, тоза парда, ҳақиқий миллий оҳанг бор эди Ҳабиба опанинг нолаларида, қочиримларида.

Яхши ҳофиза аёлларимиз кўп. Лекин Ҳабиба опага етадигани жуда кам. Унинг битта қўшиғи анча-мунча қўшиқларнинг ўрнини босади. Бир куни биз концертда кўришиб қолдик. Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова бастакор Фахриддин Содиқовнинг "Барно йигит" қўшиғини айтган йиллар эди. Коммуна опа жуда чиройли ижро этган бу қўшиқни. Лекин шу концертда Ҳабиба опа "Барно йигит"ни янги оҳанг, янги дард, чиройли нафас билан шундай таъсирли ижро этдики, бунга таҳсин ва тасанно айтмай иложи йўқ эди. Менга шу концертда Ҳабиба опа билан суҳбатлашиш насиб қилганди. Опага: "Ният қилиб Сизга бир қўшиқ ёзганман", — дедим. Лекин афсуски, қўшиқни бирга ишлаш насиб этмади.

Биз Ҳабиба опа ижро йўлини, ижро мактабини очишимиз керак. Ҳозирги қўшиқчиларимиз Ҳабиба Охунова йўлини ўрганиб, шу йўлда қўшиқ айтсалар яхши бўларди. Чунки унинг қўшиқларига умрбоқийлик муҳри босилган. Ҳали Ҳабиба Охунова қўшиқлари қанча-қанча юракларни ларзага солади..."

Санъаткор фарзандлари, яқинларининг уни хотирлаб айтган ҳикояларини ўқиган кишида албатта ана шундай юксак истеъдод эгаларининг қадрига етиш, улуғ инсонларни ардоқлаш каби инсонийлик туйғулари жўш уриши табиий. Унинг барҳаёт қўшиқлари минглаб мухлислар қалбига умрбод тароват ва жозиба бағишлайди.

Азиза ҒИЁСОВА

Мулоҳаза

Тантана сўнгида узоқ давом этган мушакбозлик Самарқанд осмонидаги сон-саноқсиз юлдузларга янада нур бағишлади, дилларни шод айлаб, қалбларни ҳаяжонга тўлдирди.

Газета хабаридан

АСРАГИМ КЕЛАДИ СЕНИ, РЕГИСТОН!

ТИЛЛАКОРИНИНГ ОСТИГА СУВ КЕТГАНДА...

Мутахассисларнинг айтишича, кўҳна Самарқандда 700 та меъморий ёдгорлик бор. Аммо мағрибу машрикдан келган меҳмонларга кўз-кўз қиладиганимиз, халқимизнинг ўзи ҳам яхши биладиган тарихий обидаларимиз бармоқ билан санарли. Ана шуларнинг орасида энг юксаги, энг кўрками, энг маҳобатлиси — Регистон.

Пештоқлардаги нақшлар шунчаки безак эмас, улар арабча ёзилган муқаддас сўзлар. Ҳовли саҳнидаги Муҳаммад Қатонғу қабрини тавоф қилаётган момолар ҳаракатини кўп марта кузатганман. "Руҳи, жисми покланиб келган одамнинггина зиёрати қабул бўлади" деган суҳбатларга қулоқ тутганман. Муқаддас даргоҳни оёқ ости қилиш гуноҳ, деган тушунча шууримга сингдирила бошланганига билмадим, тўрт ёшдамидим ёки бешда...

Яхши биласиз, Регистон меъморий мажмуаси учта алоҳида-алоҳида, айни вақтда бир-бирини тўлдирувчи мадраса биносидан иборат. Улуғбек мадрасаси энг аввал, 1417-1420 йилларда қурилган. Тиллакори ва Шердор мадрасалари ундан 200 йил кейин бунёд этилган.

"Асрлар ўтса ҳам мағрур, даврлар силсиласига дош бериб турибди-я", дейди Регистон ҳақида четдан қараган киши. Аммо вақтнинг ҳеч кимга, ҳеч нимага бўйсунмайдиган қонуниятлари бор. Синчиклаб боқсангиз, миноралар вертикал ҳолатдан сезиларли даражада оғганлигига амин бўласиз. Масалан, Улуғбек мадрасасининг шимоли-ғарбий бурчагида жойлашган миноранинг юқори қисми 45 сантим шимол тарафга оғган. Тиллакоридаги жануби-ғарб минорасининг пойдевори билан юқорисида вертикал чизиқ тортилгандаги фарқ 80 сантим. Ана шу мадрасанинг орқа девори ҳам ёрилиб тик чўка бошлади... Қисқаси, Регистон таркибидаги иморатларнинг бир қисми, мутахассислар тили билан айтганда "авария ҳолатида".

Маълум бўлишича, оғишлар 130 йиллар илгарига бориб тақалади. Тўғри, бу ўртада жуда катта таъмир ишлари олиб борилган. Вилоят тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати ходимлари юртимиз мустақилликка эришгач, меъморий обидаларимизга эътибор янада ошганлигини такрор-такрор таъкидлашади. Жумладан, Регистон ансамблига, айниқса, 1994 йил 9 мартидан сўнг катта аҳамият берила бошланди.

Ўшанда уч-тўрт кун тинимсиз ёмғир қуйганди. Тиллакорининг шундоққина орқасидан ўтган йўлда юк машинаси ботиб қолиб, катта чуқурлик ҳосил қилди. Шу ердан сув сизиб кириб жануби-ғарбий минорадан бошланган ёриқни катта масжид пойдеворигача етказди. Натижада орқа девор ғарбга томон тикка чўкиши кескинлашуви хавфи ошди. Шунда, Ўзбекистон ФА илмий-текшириш институтлари ходимлари, геофизиклар, механиклар, сейсмологлар, тупроқ механикаси мутахассислари Тиллакорини қутқариш учун иш олиб бордилар. Айвонлар равоқлари қўшимча тиргаклар билан мустаҳкамланди. Орқа девор остига бетонли қоришма, устидан асфальт ётқизилди. Том орқали бинога сингадиган намликни қочириш мақсадида, гарчи обиданинг кўриниши озроқ бузилса-да, унинг устига тунука қоплаб, ёмғир сувининг ариққа чиқарилиши ташкил этилди. Бинога қуёш батареяси, намликни ўлчаб боришда зарур ноёб, қиймати — 12000 АҚШ долларига тенг ускуналар ўрнатилди. Юқоридаги тадбирлардан сўнг бино оғишини тўхтатишга, барқарорликка эришилди, деб ҳисобланди.

"Ўзтаъмирлойиҳа" лойиҳалаш институти Самарқанд вилоят бўлими раҳбари, меъмор Эгамберди Нуруллаев бу ҳақда шундай дейди:

— ***Пойдевор остига сув кетгандан сўнг масжид асосини мустаҳкамлаш учун лойиҳа тайёрладик. Лекин буни амалга ошириш иншоот учун жуда хавфли эди. Бино ҳолати барқарорлашди, деган хулосага келинганидан сўнг эса лойиҳани бажармаслик маъқул топилди.***

Меъморнинг сўзларини тинглар эканман, ўйлаб қоламан. Мадраса ҳолатида барқарорликка эришилгани ростдир. Бироқ бу гап обида авария ҳолатидан қутулди, дегани эмас-да!

Болтиқбўйи республикаларидаги меъморий ёдгорликларда бўлганмисиз? Хоҳ гурухдаги, хоҳ якка сайёҳ бўлинг, сизга хизмат қилаётган транспорт обидадан қарийб бир чақирим нарида тўхтайди. Шунча масофани сиз пиёда босиб ўтасиз. Ичингизда "ўзимизда меҳмоннавозлик бошқача-да" деб қўйсангиз ажаб эмас. Кейин кўзингизни каттароқ очиб атрофга назар солсангиз, мана шу ҳудудга авлиёнинг автомобилини бўлса-да, киритиш жоиз эмаслигини англайсиз...

Регистон ансамбли атрофидаги, қатнови чегараланмаган, икки томонлама ҳаракат қилиб турган, барча турдаги транспортлар учун очиқ, серқатнов йўлда беш-ўн дақиқа турган одам, физикадан, резонанс деган тушунчадан озроқ хабардор бўлса, яна ёдгорлик пойдевори монолит, яхлит эмас, балки ғишт, лой, тош каби майда бўлак ашёлардан қурилганлигини эсласа, масаланинг моҳиятини дарров илғайди.

Т. РАҲМАТУЛЛАЕВ фотоси

Тўғри, ўша улкан иморатлар бунёд этилганда ҳам бу йўллар бўлган. Аммо унда аравалар юрган. Транспорт серқатновлиги даражаси ўртасида ҳам катта фарқ бор. Боболаримиз, афтидан тарақиётдаги бурилишларни ҳисобга олишмаган. Масаланинг бу жиҳати ҳақида ўйлаб кўриш, чора қўллаш (аравага қайтиб эмас, албатта) вақти қачон келаркин?

ФЕСТИВАЛЬ, ФЕСТИВАЛЬ...

Мавзу баҳонасида суҳбатлашган ўнлаб ҳамшаҳарларимдаги андиша менинг кўнглимга ҳам кўчади. Сени тўғри тушунишадими? Гапингдан "сиёсий хато" топишмайдими?

Эсингиздами, ўн йилча илгари оилани режалаштириш мавзусидаги мақолани сиёсатга боғлашарди. Бугун бундай чекловларнинг кераги ҳам йўқ — ҳамма тушуниб қолди. Аммо тарихий ёдгорликларимизни авайлаш борасида мақола ёзишга ҳожат қолмайдиган кунлар ҳам бўлармикин?!

Энди бош мавзуга қайтсак.

Регистонда сўнгги вақтларда қатор қутлуғ тадбирлар ўтказилаяпти. 1994 йилда Мирзо Улуғбек, 1996 йилда Амир Темур боболаримиз таваллуд айёмлари, 1997, 1999 ва ўтиб кетган йилимиздаги "Шарқ тароналари" фестивалига Регистон фони янада жозиба, янада шарқона руҳ бағишлади.

Аввало шуни айтиш керакки, "Шарқ тароналари" халқаро фестивали учун айнан Самарқанднинг танланишини ҳамшаҳарларимиз қадимий заминимизга, унинг халқига ҳурмат деб қабул қилдилар. Зеро, Самарқанд қадимдан илм-маърифат, маданият маркази бўлиб келганлиги, бугун ҳам ана шу салоҳиятини йўқотмаганлиги ҳам бор гап.

Ўша ёз оқшоми тўсатдан бир нарса "гумбурлаб" кетди. Ер кўк титрагандек бўлди хаёлимда. Кейин осмонда мушаклар пайдо бўлди. Қизил, сариқ... Улар жуда-жуда чиройли эди. Лекин ҳар гал гумбурлагани... "Регистондан 10-15 гузар нарида шундай бўлса..."

Бугун қўлимда ўша хавотирларимни тасдиқлаб турган ҳужжат: Самарқанд вилоят ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати қошидаги эксперт кенгаш йиғилишининг 12 сентябрь санаси билан қайд этилган баённомаси:

"Кун тартиби.

Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида III халқаро "Шарқ тароналари" фестивали ўтказилгандан сўнг, Регистон ансамбли ҳолатини кўриб чиқиш.

...Кенгаш аъзолари томонидан Регистон ансамблидаги Тиллакори, Улуғбек ва Шердор мадрасаларини кўрикдан ўтказиш жараёнида қуйидагилар аниқланди.

Тиллакори мадрасаси бўйича

Бош кириш пештоқи — пештоқнинг юқори катаба ва тимпан қисмида мушаклар таъсирида пардоз плиткаларнинг қуйганлиги ва ранги ўзгарганлиги, бош кириш пештоқининг тунука том қоплмасида катталиги 50х70 мм, 70х120 мм бўлган кўпгина тешиклар пайдо бўлган (мушакларнинг том устига тушиб қуйдириши натижасида). Пештоқнинг жанубий, ғарбий ва шарқий портал деворларидаги пардоз плиткалари айрим жойларда тушиб кетган, мадрасанинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган минора гумбазидаги пардоз плиткаларининг 8-12 фоизи тушган, гумбаз конструкциясидаги ёриқлар катталашган бўлиб, кучли овозлар детонацияси таъсирида пардоз плиткалар гумбаз деворидан ажралган ва тушиб кетиш ҳолатида эканлиги аниқланди.

Улуғбек мадрасаси бўйича

Бош кириш пештоқи қисмидаги орқа девордаги ёриқлар 3-5 сантиметрга кенгайган бўлиб, катта ҳажмдаги пардоз бўлаги тушиб кетиш ҳолатига келган.

Мадраса деворидаги пардоз плиткаларининг айрим жойларида тушиб кетганлиги аниқланди..."

Баённомада Шердор мадрасасида ҳам юқоридаги каби ўзгаришлар содир бўлгани, шунингдек, саҳналарни жиҳозлаш учун тортилган тросслар Улуғбек ва Шердор мадрасаси бош кириш пештоқлари парталларининг юза қисмига бириктирилгани ва саҳна жиҳозларининг осилиши натижасида айрим эгилишлар ҳосил бўлганлиги қайд этилган. Шунингдек, резонанс таъсирида қийшайган минораларнинг оғиш бурчаги катталашиши мумкинлиги ёзилган.

Ана шу ҳужжатни ўз имзоси орқали тасдиқлаган 9 нафар мутахассиснинг ҳар бири билан суҳбатлашмоқчи бўламан... Вилоят ёдгорликларни сақлаш давлат назорати бошлиғи Майсара опа Набираева ҳузурларида бўлганимда, шошиб турган эканлар, қисқагина, узуқ-юлуқ гаплаша қолдик.

— ***4-5 йил илгари бошқа бир ёдгорлик борасидаги муаммо "Самаркандский вестник" газетасига олиб чиқилганди. Ўшанда мақола ишимизга қанчалик халақит берганлигини биласизми?***

Начора, сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади, дейишади-ку! Шунда бошқа бир идорадан топганим — юқоридаги Баённомадаги иқтибосдан фойдаланиш мумкинлигидан таскин топдим:

"**Набираева М.А.:** — ***Ўтган 1999 йилги II халқаро "Шарқ тароналари" фестивалидан сўнг ҳам ёдгорлик бинолари кўрикдан ўтказилганда, худди шундай ҳолат кўзга ташланган бўлиб, мутасадди ташкилотларга хабар берган эдик. Афсуски, бу йилги фестивалдан ёдгорликнинг зиёни олдингисига қараганда анчагина кўпдир".***

Матнни изоҳламайлик-да, навбатдаги саволга ўтсак.

Бир қатор мамлакатлардаги каттакатта анжуманлар ҳам тарихий обидаларда ўтказилади-ку! (Биз балки ўшалардан ўрганганмиз ёки таҳлил қилгандирмиз). Нега энди бизнинг ёдгорликларимиз?..

— ***Биласизми, бино лойиҳа асосида қадимий усул — хатаба орқали пардозланган,*** — дея батафсил тушунтирадилар вилоят ёдгорликларни сақлаш давлат назорати бош мутахассис нозири Алмос Умаров. — ***Бунга кўра девор ва пардоз юза оралиғида бўшлиқ қолдирилади. Бу йиллар бўйи деворларда тўпланган тузларнинг юзага урилишидан асрайди. Аммо айни шу нарса баланд, шовқин овозлар резонанс таъсирини кучайтиради ҳам. Натижада пардоз плиткалари тушиб кетади.***

Кейин тунука томдаги куйикдан пайдо бўлган тешиклар таъмирланган-таъмирланмаганлиги билан қизиқдим. "Қандай бўлса, шундай турибди". 6 декабрь, неча кунки Самарқандда ёмғир шаррос қуяётган кунда олган жавобим шу бўлди. (Қиш чилласи ҳали олдинда) Ана энди ўзингиз ўйланг, тунука том нима мақсадда қопланган эди-ю, нимага хизмат қилаяпти?

Хуллас, тадбирларнинг Регистон майдонида ўтказилиши, (ҳар ҳолда ўта дабдабали кечиши) қанчалик гўзал, шарқона бўлмасин, улар жаҳон меъморчилиги дурдоналаридан бири саналган обида ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётганлигини исботлаш учун юқоридаги маълумотлар етарлидир. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарорини қайта-қайта ўқиб чиққанимда эса Регистон сўзи ишлатилган битта жумлани ҳам тополмадим. "Самарқанд шаҳрида ўтказилади" дейилган холос.

Шунча гапдан сўнг газетхонни масаланинг ечими қизиқтириши табиий. Бу ҳақда Самарқанддаги масъул ташкилотларнинг қайси биридан сўрамай, уқтиришди: "Буни Самарқанд эмас, Тошкент ҳал қилади". Бир томондан ёдгорликларнинг аҳволи учун қайғуриши керак, иккинчи томондан халқаро тадбирга масъул ҳисобланган Маданият ишлари вазирлигига шаъма эди бу... Набираеванинг сўзларига изоҳ берилмаганлигининг сабабини энди тушунгандирсиз?..

ХАТОЛАР САБОҚ БЎЛСИН

— ***Шукр, сўнгги йилларда Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди,*** — дея сўз бошлайди Регистон ансамбли директор ўринбосари Қурбон Ҳасанов. — ***Имом ал-Бухорий мақбаралари атрофида жуда қисқа муддатда ўн-йигирма йиллик ишлар бажарилди. Мотурудий мақбарамажмуаси ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Бу ишлар олдида шаҳарнинг бирор янги мавзеси ҳудудида гўзал, ҳашаматли амфитеатр қуриш ҳеч гап эмас.***

Бошқа ҳамшаҳрим эса фестиваль Регистонда ўтказилаверса-ю, фақат мушаклар мадраса томидан эмас, Чўпонота қирлигидан Регистон узра отилишини тўғри дейди. Овоз кучайтиргичлардан эҳтиёт бўлиш керак, деганди қайси бири. Турли фикрлар...

18 октябрь "Самарқанд куни" деб эълон қилиниб, ҳар йили бу сана байрам қилиниши ҳақидаги хабар юртдошларимни қувонтирди, албатта. Айём илк бор нишонланиши (1996 й.) олдидан Руҳобод мақбараси атрофи ўзгача чирой касб этди. Кўчирилган ўнлаб хонадонлар ўрнидаги катта майдонда энди фавворалар мавж урарди. Мана, шундан 5 йил ўтар-ўтмас пойдеворнинг бир-бир ярим метр баландликдаги қисми шунчалик намиқиб кетдики, бориб тегинсангиз қўлингиз шилта бўлгудек. Мутахассислар аниқлашди, бунда ўша фавворалларнинг ҳамда чимли майдончалардаги суғориш тизимидаги сувларнинг таъсири катта экан.

Яқинда иш бошлаган вилоят ҳокими шаҳарни ободонлаштиришга жиддий киришди. Энди назардан четроқдаги кўчаларимиз ҳам оқланган, ариқлар тозаланган, дарахтлар тартибга келтирилган. Бироқ... Отахон гапириб қолдилар: "Она қизим, ҳеч замонда чинорни ҳам бутайдиларми?"

Хатолардан тўғри хулоса чиқара билиш эртага келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун муҳим.

Зеро, шоир ёзганидек:

Хизр назар солган, дуо кетган юрт,
Қўшиққа айланур ҳар азоб, ҳар дард.
Шу юрт деб яшасанг, ўлсанг арзийди,
Икки дунёда ҳам битта Самарқанд!

Мустаҳкам ТАНГРИЁРОВА,
журналист

Самарқанд

P.S. Мақолага нуқта қўйилди ҳамки, хушхабар келди: қадимий шаҳримиз ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига кирди. ЮНЕСКО Жаҳон мероси қўмитасининг 12-16 декабрь кунлари Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида шундай қарор қабул қилинибди!

"Ҳуқуқ ва бурч"

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги хўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган хўжалик судлари тизими яратилди.

Ислом КАРИМОВ

АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВНИНГ ТЎРТИНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ташкил топганига роппа-роса 10 йил тўлди! Мазкур Суд босиб ўтган ҳаёт йўлига разм солинса мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган улкан ислоҳот одимларининг амалий натижаларини кўриш мумкин. "Ўн йил аввал ташкил этилган ва бугунги кунга келиб мустақил суд ҳокимиятининг муҳим тармоғи сифатида шаклланган хўжалик судлари ҳам айнан муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида ўтказилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг самарасидир, — деб ёзади Олий хўжалик суди раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов. — Ўтган давр мобайнида хўжалик судлари иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаб бориб, ҳуқуқий демократик жамиятда низолар фақат одил судлов йўли билан ечилиши лозимлиги принципини амалга татбиқ қилдилар ва бу, кишиларда адолатга бўлган ишончни янада оширди".

Дарҳақиқат, кишиларнинг адолатга, жамиятда олиб борилаётган ислоҳотларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, келажакка ишонч руҳини оширади. Шу ишончдан кўтаринки ишчанлик кайфияти вужудга келади. Тадбиркорларнинг кўтаринки кайфияти эса мамлакат қад-камолининг қад ростлашига тўғридан-тўғри ҳисса қўшади.

Ўн йиллик тарихни айтиш осон, аммо-лекин бу муддат "хўжалик суди" тушунчасининг оммалашиш, фуқароларнинг ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ўрганиш, суд инстанцияларига эмин-эркин мурожаат этишга одатланиш тарихи ҳамдир. Бу, кишиларимиз менталитетидаги ўзгаришлар, янгиланишлар тарихи десак ҳам муболаға бўлмайди.

Рақамларга мурожаат этайлик: 1995 йили республика хўжалик судлари томонидан 11700 та низо кўрилиб, даъвогарлар фойдасига 1,2 миллиард сўм ундирилган бўлса, 2000 йилда жами 33347 та низо кўрилиб, даъвогарлар фойдасига 99,3 миллиард сўм маблағ ундириб берилди. Давлат бюджетига 2000 йилда 1,2 миллард сўм давлат божи ва жарима ундирилди.

Ўтган 2001 йилдаги рақамлар янада улкан: йил мобайнида фуқаролардан 36189 та даъво аризалари тушган. Шундан 34645таси хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилган. Ундирилган маблағ ҳажми 199,6 миллиард сўмдан ошиб кетган.

Суд ҳужжатларига асосан банкрот деб эътироф этилган корхоналар сони 1172 тага етди.

М. АБДУСАЛОМОВ:

— ***Ҳуқуқий жамият қуришга қаратилган тадбирларни, шунингдек хўжалик судлари фаолиятини янада кўпроқ оммалаштириш мақсадида ҳам ҳар бир вилоят судларида оммавий ахборот воситалари билан ишловчи ходим учун махсус штатлар берилди. Биз ҳуқуқшунослар ва журналистлар ҳамкорлигини янада кенгайтиришга ҳамиша тайёрмиз.***

Табиий савол туғилади: хўш, бу каби рақамларнинг кўпайиши нималардан далолат беради?

Хўжалик муносабатларида вужудга келаётган тушунмовчиликларнинг, келишмовчиликларнинг, адолатсизликларнинг ҚОНУН йўли билан бартараф этилишига ОДАТЛАНИШ муҳити вужудга келаётганидан далолат беради!

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизими "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасига биноан Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларидан ташкил топган.

Айни вақтда мазкур хўжалик судлари тизимида 130 дан ортиқ судья фаолият юритмоқда. Маълумотларга кўра, битта хўжалик суди судьяси ойига 30-40 тагача, пойтахт хўжалик суди судьялари эса 60 ва ундан ортиқ даъво аризаларини кўриб чиқмоқдалар.

Республика Олий хўжалик судида бўлиб ўтган анъанавий "ХЎЖАЛИК ВА ҲУҚУҚ" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, хусусан хўжалик муаммолари мавзусида ёзаётган журналистлар ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида муҳим воқеа бўлди!

Олий хўжалик суди ва Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорликда ўтказаётган мазкур ижодий танлов

Журналист суриштируви

Зўравонлик қонун соясига беркиниб, адолат байроғи остида иш кўришдир.

Ш. МОНТЕСКЬЕ

ТАРОЗИНИНГ

ҚУҚОНДА БИР УЙ СОТИЛДИ

Таҳририятга келаётган хатлар орасида ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятидан шикоятлар ҳам кам эмас. Рост, буларнинг ҳаммаси ўринли — шикоятчи ҳақ деб бўлмайди. Баъзи шикоятлар жазони енгиллатиш илинжида ёзилгани сезилиб туради. Шу билан бирга, шикоятчига қўшилиб «Наҳотки?!» деб юборадиган хатлар ҳам учрайди.

Қўқон шаҳридаги Банди Эшон кўчаси, 84-уйда истиқомат қилувчи Файзиматовлардан келган шикоят хати бир қарашда эртакка ўхшайди, судда бунақа Ҳал қилув қарори чиқарилиши мумкинлигига ишонмайсиз. Нима эмиш, улар ўзлари яшаб турган ушбу уйни 17 йил олдин сотиб олишганмиш, олди-сотди шартномаси нотариус томонидан тасдиқланганмиш. Уйни сотган одам воситачи экан, аниқроғи, у уйни илгари бировдан сотиб олиб бошқа бировнинг номига расмийлаштириб қўйган, кейин булар сотиб олишган. Бугунга келиб, ўша уй сотган «даъвогар», ҳужжатлар бўйича эса — ҳеч ким эмас, шунчаки воситачи, холос. Ўша одам миясига нима урилгану, «уйни қайтиб берсин» деб судга даъво аризаси берибди. Иш 2000 йилнинг охирида Фарғона вилояти Фурқат туман судида кўрилибди. Қўқонда кўрилмаганининг сабаби шундаки, жавобгар, яъни уйнинг ҳозирги эгаси Қўқон шаҳар судида чорак асрдан бери суд котибаси бўлиб ишлайди. Хуллас, Фурқат туман суди даъво аризани... қаноатлантирибди! Тушунянсизми, муҳтарам газетхон! 17 йил аввал олди-сотди шартномаси орқали уйни сотиб олган, беш йил бурун ёнғинда деярли ҳаммаси ёниб кетгандан сўнг уни қайта қурган, бола-чақаси билан яшаб келаётган оила уйни бўшатиб, даъвогарга бериши керакмиш!

Бу Ҳал қилув қарорини ўқиб «Ё, алҳазар!» дейишдан бошқа иложингиз қолмайди.

Хат-ҳужжатлар бўйича даъвогар Умархоновнинг мазкур уйга ҳеч қанақа алоқаси йўқ: у уйни қурмаган, сотиб олмаган ва сотмаган ҳам! Аслида, уйни у чиндан ҳам 20 йилча муқаддам Тошкентга кўчиб кетаётган фуқаро Мелькумовадан сотиб олган, ўша пайтларда икки уйлик бўлиш текинхўр бой сифатида шубҳа остига олинарди, бунинг устига Умархонов колбаса цехининг бошлиғи — даромад манбаи ҳам анчагина нозик эди. Шу боис у уйни бировнинг номига расмийлаштирган ва озроқ вақт ўтиб буларга сотган. Яъни, такрорлаймиз, ҳужжатларга кўра — уйга нисбатан ҳеч ким эмас. Орадан 17 йил ўтиб эса, бугун судда у даъвогар сифатида қандай қилибдир тан олинибди. Балки, ёнига шунинг учун ҳам иккинчи даъвогар сифатида уйнинг 20 йил бурунги эгаси Мелькумовани қўшиб қўйишибди. Кампир Мелькумова бечора оғир бетоб, юролмас экан, судья Салимжон Усмонов, ўзининг айтишича, азза-базза Тошкентга бориб, кампирдан гувоҳлик кўргазмасини олиб қайтибди. Кампир, ҳа, ўшанда Баҳриллога 25 минг сўмга сотганман уйни (бу нарса даъвогарнинг уйга эгалик ҳуқуқини аниқлаш учун керак бўлгандирда? — Ҳ. О.) деб кўргазма берибди. Қўқон ва қўқонликларни соғингани, имкони бўлса ўша ерда бандаликни бажо келтиришни хоҳлашини ҳам гапирибди.

— Овора бўлиб борганга яраша кўчириб кела қолмабсизлар-да, — дедим судья Салимжон акага. У киши чинми-ҳазиллигини тушунмагандек ҳайрон илжайиб қўйдилар.

Бу истеҳзо орқали бир ҳолатни таъкидламоқчиман — керак бўлганда Қонунларимиз ҳам, ҳуқуқшуносларимиз ҳам ҳавас қилгудек аъло даражада ишлашади. Керак бўлмаса — қўл силтаб қўяқолинади. Қаранг, 17 йил муқаддам олди-сотди шартномасига имзо қўймагани тўғрисида ундан кўргазма олиш мақсадида, Қўқондаги уйи қаердалигини ҳозир топиб ҳам келолмайдиган кампирни йўқлаб-излаб Тошкентга бориб-келишибди. Адолатни тиклаш, даъво аризани қаноатлантириш учун шундай саъй-ҳаракатлар қилинибди ва у қувончли якун топибди. Вилоят суди Ҳайъати Ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирибди. Вилоят суди Раёсати эса Ҳал қилув қарори ва Ҳайъат Ажримини бекор қилиб, ишни янгидан бошқа таркибда кўриш учун Ўзбекистон туманлараро фуқаролик судига жўнатибди.

Жўнатилганидан икки ой ўтган пайтда телефон орқали билсак, ҳали-ҳануз Ҳал қилув қарори чиқмабди. «Даъвогар» Б. Умархонов касалхонада эмиш, бу орада уйнинг 20 йил аввалги эгаси Мелькумова дунёдан ўтибди. Буни эшитиб, судья С.Усмонов билан хайрлашаётганимиздаги савол-жавобни эсладим. Ҳал қилув қароридан бироз хижолат ҳам чекаётганга ўхшаш кайфиятда бўлгандек тасаввур туғдирган Салимжон ака, «Умархонов билан ҳам учрашасизларми?» деб сўради. «Йўқ — дедим мен, — ким ўзи у одам — бу уйга нима дахли бор? Сиз уни даъвогар сифатида тан олибсиз...»

Вилоят суди Раёсатининг Қароридан кейин уч ой ўтган бўлишига қарамай бошқа таркибдаги суд ҳамон Ҳал қилув қарорини чиқармагани табиий: иш... мураккаб! Сабаби, аввалги Қарорни такрорлаш — ақлга сиғмайди, унга зид қонуний қарор чиқарилса, бу ишни кўрган аввалги судьянинг шаънига каттагина доғ тушади: ҳар қалай, бир бинода ишлашади, ҳамкасблар...

Кўп йиллар давомида шикоят ва аризалар ортидан бориб, суриштирувлар ўтказиш жараёнида судлов тизимимизда бир нохуш ҳолат учраб туришини кузатдим: жиноят иши қўзғатилдими, вассалом — у албатта суддан ўтиши, яъни судда бирон-бир жазо белгиланиши керак. Гарчи суд ҳайъати, биринчи навбатда судья рўпарасидаги айбланувчининг айби йўқлигига ўзича юз фоиз иқрор бўлиб турса-да, буни сиртига чиқаролмайди — Оқлов ҳукми ўқишга ботинолмайди. Бунинг эса турли сабаби бор ва бу сабаблар саналса, гап чувалашади. Гарчи ҳар бир судья ана шу сабаблар билан ботинан — ичида келишса ҳам, сиртида муҳофаза инстинкти ҳаракатга келади ва журналистни саводсизлигу хаёлпарастликда айблашлари ҳеч гап эмас. Бундай ҳаракат авваламбор мутасадди идораларнинг раҳбарияти томонидан ишга тушади. Шунинг учун сабабларни санашдан тийилиб, асосий далил — Оқлов ҳукмларининг ниҳоятда камлигини таъкидлаб қўяқолайлик. Ҳар йили судларда бир неча ўн минглаб жиноят ишлари кўрилаётган ва Инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича Давлат ва жамоат ташкилотларига ноқонуний қўзғатилган жиноят иши-ю, ноқонуний чиқарилган ҳукмлар бўйича минглаб шикоят хатлари келаётган айни пайтда республика бўйича йил мобайнида чиқарилаётган Оқлов ҳукмлари бармоқ билан санарли, холос. Худди мана шу фактнинг ўзи юқоридаги нохуш ҳолат — жиноят иши қўзғатилган иш бўйича, қандай қилиб бўлмасин албатта ҳукм ўқилиши шарт деган адолатсиз амалиёт мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Ва бундай амалиёт доирасида ҳуқуқи топталган — ноқонуний хатти-ҳаракат қурбони бўлган шахс қонуний ечимга етгунича тинка-мадори қурийди, умри эговланади. Шунинг учун ҳам бундай ечимга етиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Насиб қилганлар бармоқ билан санарли. Паркентлик тадбиркор А.Ёқубов шуларнинг бири.

Х.ДЎСТМУҲАМЕДОВ:

— "Ҳуқуқ ва бурч" танлови хўжалик муаммолари мавзусида ёзишга ихтисослашаётган журналистларнинг кўпайишига катта ёрдам бермоқда. Тажрибали журналистлар сафида ёш ва ғайратли ҳамкасбларимиз кўпайиб бораётгани қувонарли. Бу тенденция умум ишимиз учун фақат фойда келтиради.

ЯКУНИ

Барча ҳамкасбларимизни қўлга киритган муваффақиятлари билан қутлаб, бундан кейин янада фаол бўлишга чорлаб қоламиз.

Олий хўжалик суди билан матбуотчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайиши, табиий, ҳар иккала соҳанинг янада ривож топишига хизмат қилади. Зеро, ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг биринчи шарти ҳуқуқни тўла англаб олишда бўлса, навбатдаги шарти уни бошқаларга англатишда, тарғиб этишдадир.

тўртинчи бор ўз ғолибларини аниқлади.

Бу йилги "Ҳуқуқ ва бурч" ғолиблари ва совриндорлари сафида қуйидаги иловада номлари келтирилган ҳамкасбларни ҳамда таҳририятларни кўриш мумкин.

МУХБИРИМИЗ

Журналистлар:

Норгул Абдураимова — *Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири*

Муҳаммаджон Абдукаримов — *"Ишонч" газетаси муҳаррири*

Маннон Тўхтаев — *"Фидокор" газетаси мухбири*

Таҳририятлар:

"Адолат нури" газетаси *(Бухоро вилояти)*

Ўзбекистон телевидениесининг "Ахборот" таҳририяти

"Адолат" газетаси

Рағбатлантирувчи мукофотлар:

Мурод Калонхонов — *"Адолат" газетаси мухбири*

Қурбон Эшматов — *"Халқ сўзи" газетаси муҳаррири*

Акбар Жонузоқов — *"Ўзбекистон овози" газетаси мухбири*

Йўлдош Исмоилов — *"Ҳуррият" газетаси мухбири*

Ҳулкар Тўраева — *Ўзбекистон телевидениеси муҳаррири*

Зокир Қўзибоев — *Ўзбекистон радиоси муҳаррири*

Пул

ПУЛНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Шунинг учун у ҳақда нима билишни истасанглар, марҳамат, менга мурожаат қилаверинглар, азизлар!

Ҳадемай, мен ҳам кексалар қаторига қўшилиб қоларканман. Қарисак қарипмизда, қайтанга яхшимасми, бола-чақа, невара-эвараларни тўплаб, каттакон дастурхон бошида бир пиёла аччиқ чойни ҳўплаб ўтирганга нима етсин. Аслида ҳам шундайку-я, лекин сираям қаригим келмаяпти, биродарлар. Гап кўнгил ёшлигида эмас, қариликдан қўрқиб ётган жойим йўқ. Фақат, шунча қиладиган ишларимни эртага бировга ташлаб қўйгим келмайди-да. Ахир бу ишларнинг ҳаммаси пул-ку. Буёғини сўрасангиз, ҳали бизнес режаларим камми, яна озроқ йиғинсам, тўй-пўй қилсам дегандим... Ахир қариганда топган-тутганимни мазасини олиб яшай дейман-да. Булардан қандай воз кечаман. Қарилик билан бирор иш битармиди. Қари бўлдинг, пари бўлдинг, кунинг маслаҳат беришдан бошқа нарсага ярамай қолади. Ҳеч вақоси йўқ одам бошингда туриб насиҳатхонлик қилса, уч кунда давление бўларкансан. Ростини айтсам, қўшнимни маҳалладагилар ўзларига оқсоқол қилиб сайлашган. Шу одамдан жуда безорман деёлмайману лекин одамми хит қиворади-да. Ҳар кун эшигимни қоқиб, фалончибой, кўчани текислашга ёрдам бер, мактаб ремонтига ҳомийлик қи, боғчага бир қараб қўймайсанми, пистончининг тўйига ёрдам қип тур, деган гап-сўзлар қулоғимни еворади. Яна ҳафтасига менга ўхшаган уч-тўрт бизнесменни йиғиб, насиҳатнома қиганини айтайми? Бир ўзи бўлса ҳам бошқа гапиди, ўн чоғли қарияларни йиғиб олади. Баъзан уйим қолиб иш... э-э, дўконимга ҳам кириб боради-я. Об-бў, тиниб тинчимаган қариялар-эй! Бунақа ёшдаги одамларнинг кўнгли нозик-да, бирор қўполроқ гапириб қўйсанг борми, шу куни номингни ёмонга чиқарворади. Жим ўтираверсанг, яна бўлмаса... Мен қарисам маҳалласигаям, оқсоқолигаям, бойигаям, камбағалигаям аралашмийман. Ўзлари ҳал қивосин. Менга пулим бўлса, кейин... умуман ҳали қариганимча йўқ-ку.

Шундай десам, тунов куни Иппадромда мол олаётиб, бир зумраша роса асабимни қўзидида. Мол импортний бўлгани учун тумонат одам навбатга йиғилган. Кимдир пулини чангаллаб, олдинги қаторларга уринса, кимдир атрофдагиларни тинчлантириш билан овора. Шундоқ нафас ростлаб олай десам, ҳалиги йигитча биқинимдан туртиб, мендан олдинга ўтиб олса бўладими. Бўйни каптарнинг бўйнидек келадию яна мендан шустрийлик қиламан дейди. Келиб-келиб менгая. Бир қўлим билан ёқасидан ушлаб ортга итариб юбордим. Яна бир – икки уринганди, охири юзига шапатлавордим. Кучи тилига етади-да зумрашани. Ҳаммани олдида мени қарияга чиқариб, ҳақорат қилганига чидолмадим. Қилган таъна-сига ўлайми, нима эмиш, бу иш энди менинг қўлимдан келмасмиш, уларнинг ишига тўғаноқ бўлаётганмишман. Ўғил болача гаплашиб қўймоқчи бўлишибдию яна ёшимни ҳурмат қилишипти. Оғзида сақич, тупугини сачратиб, бирам чиллайди. Ҳўў, бола, кўзингни оч, ҳозир шундай пушаймон едирвораманки!..

Бир пайса ҳам паст келаман демайди. Киссасидан телпонини олиб окахонларига бир нималар дедими-эй. Ахийри аччиқ қилиб, иномарка мошинига ўтириб, газлатиб кетди. Ҳе, ўргулдим, сандақа тирранчалардан. Девона араз қилса халтасига зиён, эпласанг, бизнес қилда, бўлмаса қўлинг билан тилингни тийиб юр, тирранча. Қаримишман. Қарилик қип сени молингга осилиб олибманми?

Шундан бери бу боланинг овози қулоғимда жаранглайдиган бўлиб қолган: "ҚАРИСИЗ..." Пул топиш қарилик билан ўлчанмайди, оғайнилар. Бориб мени уйимни, қилаётган ишимни кўринглар. Берсанг ейман, урсанг ўламан, деб юрган мингта ёшга бир кунликмас, бир соатлик ишимни ҳам алишмайман.

Ишламасликдан худо сақласин. Ҳозир қанча одам ишламай, дангаса бўлиб юрганини биласизми. Уларга қолса давлат чойигача тайёрлаб берса, енгилгина ишлаб, мўмайгина даромадни олиб ётса... Ишлаш керак, савдо-сотиқ, тадбиркорлик деганидек... Ишлайман деганга иш ғижғиж. Пул-ку кўчада сочилиб ётибди.

Ҳа, айтганча, пул кўчада деганимга ёдимга тушди. Шаҳар кўчаларидаги лўли хотинлар ҳам кўчадан пул териб юради-да. Яқинда шундайлардан бири Юнусободда шундай иш қипти, денг!..

Бахти ЁР

(Давоми бор)

ИККИ ПАЛЛАСИ

АЙБИ — ТАДБИРКОРЛИГИДА

* * *

А.Ёқубов илгари «КАМАЗчи шофёр» эди, олис манзилларга қатнарди, девдай йигит эди дейишади уни эскидан биладиганлар. «Эди»нинг боиси, ҳозир у «чумчуқдай» бўлиб қолган, бунинг устига «радикулит» орттириб, қийшайиб-букчайиб юрибди. Ҳаммаси асабдан. Ўзи бўладими, 2 йил давомида терговма-тергов, судма-суд юришни, икки марта судланишни ва... оқланишни!..

Ҳамма бало тадбиркорликни ҳавас қилганидан бошланди. Паркент туманидаги Навбаҳор қўрғонида «Жаҳонгир» аталмиш хусусий корхона очди. Қонуний, барча тегишли ҳужжатлар асосида. Қишлоқда бозорча йўқ эди, кичкина бозорча ҳам қурди. Одамлар оғири енгиллашганидан хурсанд бўлишди. Чунки Тошкент 30 километр, Паркент туман маркази 20 километр, 3-4 килограмм картошка-пиёз учун ҳам ўша ёқларга қатнаш лозим эди зарур пайтда. Ҳаммаёқ тахт бўлиб, бозор ишлай бошлагач, Паркент марказидаги асосий деҳқон бозорининг раҳбарлари Ёқубовни ўзларига «қўшиб олиш» пайига тушишди. Қандай қилиб? «Қонуний» асоқ ҳам топилақолди: Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги № 82-қарори дастак бўлди. Унда «ҳамма бозорлар акционерлик жамиятига айлантирилсин» деган кўрсатма бор эди ва шу кўрсатмани қонунийми-ноқонунийми тарзда мақсад томон йўналтиришди. «Ҳокимиятга чақириб, акционерлик жамиятига қўшиб олдик» дейди Паркент деҳқон бозори акционерлик жамияти раисининг ўринбосари Хурсанд Ортиқов. Бир-икки кундан кейин раиснинг ўзи Аҳмад Ҳамдамов билан суҳбатлашдик.

— Ўша Қарорда битта туманда фақат битта бозор бўлсин дейилганми, Ёқубовнинг сиздан 20 чақирим наридаги бозорини қўшиб олмасангиз сизни биров уришармиди, Ёқубовнинг ўзи акционерлик жамияти тузиб қўяқолса бўлмасмиди? — сўрайман Аҳмад акадан.

— Буларни мен қилганим йўқ, ҳокимият қилди, мен аралашмаганман, — деб жавоб берди у. Гапнинг «қовушишига» қойил қолмай иложингиз йўқ. Гўё Ёқубов ўзи келиб «мени қўшиб олинглар» деб ялинганга ўхшайди.

— Ҳокимият — идора, айнан ким бажарди бу ишни, ташаббускор ким?

У киши ҳокимнинг 1-муовини Зайниддин Хўжаахмедов экан, барча хат-ҳужжатларга шу киши имзо чеккан. Ҳозир у вазифадан олиниб, хўжаликда раис экан. 1-муовин пайтида эса «Паркент деҳқон бозори» акционерлик жамияти Кузатув кенгашининг раиси ҳам ўша киши бўлган. «Бу ноқамтарлик эмасми?» деган саволимизга Аҳмад ака, «Йўқ, ҳозир ҳам ҳоким муовинини Кузатув кенгашининг раиси этиб сайлаганмиз» деган жавобни берди. Дарҳақиқат, тепангда ҳокимият раҳбари паноҳ бўлиб тургани яхши-да: уёқда бўлар-бўлмас текшир-текширлар, буёқда тадбиркорларни бўйсундириб «қўшиб олиш»лар — ўзи бўладими?!

Хуллас, А.Ёқубов қўшилишга қўшилди-ю, пул топширишининг мазаси қочди. Текширилганида «кам топширгани» аниқланди, унинг касрига акционерлар дивиденд ололмаётгани рўкач қилинди — туман Давлат солиқ инспекцияси материал тайёрлади, жиноят иши қўзғатилди, прокурор Айблов хулосасини тасдиқлади, суд (судья Ш.Шарипов) 1999 йил 4 мартда ҳукм ўқиди — уч йилга шартли озодликдан маҳрум қилинди. Бу билан А.Ёқубовни «тарбиялаб» бўлмади шекилли, орадан ярим йил ўтиб яна жиноят иши учун материал тайёрланди, туман прокуратураси терговчиси Турсунов 1999 йил 17 августда жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарди. Прокурор (собиқ) бу қарорни бекор қилиб, жиноят иши қўзғатди. ЖК 167-моддаси 2-қисми «а» банди билан унга қўйилган айб 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этишни кўзда тутади. 1999 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган суд (судья Ш.Шарипов) унга яна уч йил «шартли» жазо бериш тўғрисида ҳукм ўқиди.

Вилоят суди ҳайъатининг 2000 йил январдаги Ажрими билан иш қўшимча терговга қайтарилди. Туманнинг янги прокурори Бекмурод Фориқов ишни атрофлича ўрганиб, А.Ёқубовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги учун унга нисбатан қўзғатилган ва ҳукм ўқилган иккала ишни ҳам бекор қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

Буни ўқиб оддий меҳнаткаш ҳам, мактаб ўқувчиси ҳам «Ҳа, ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди» дейди беихтиёр. Бироқ, бу ҳақиқатни тиклагунча «девдай йигит» Ёқубовнинг ўзи эгилиб-букилиб бўлди. Айби фақат битта — тадбиркор бўлгани!

Ҳолбуки, Қонунларимиз ҳуқуқшуносларни бунга ўқитмайди, ўргатмайди. Буёқда эса Президентимиз 5-6 йилдан бери бир гапни турли йиғин ва минбарларда ботбот такрорлаб, уқтириб келмоқда: «Барака топкурлар, айбланувчи одамнинг жамиятга хавфли жинояти бўлмаса бекордан-бекорга қамайверманглар, маъмурий, иқтисодий жазо чоралари билан кифояланиш мумкин!» Бу гап Олий Мажлиснинг 2-чақириқ 5-сессиясида яна бир бор такрорлангани бежиз эмас — юқоридагига ўхшаш фактлар ҳамон учраб турибди. Ниҳоят, Жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисида қабул қилинган Қонун бу борадаги улуғ иш бўлди.

Айни пайтда шуни ҳам мамнуният билан таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ-тартибот тизимимизда ҳам демократия белгилари кўзга ташланмоқда: ноқонуний Ҳукм ё Ҳал қилув қарори чиқарган мутасаддилар ҳам «айбланувчи» ўрнини эгаллашмоқда. Эшитишимизча, тадбиркор А.Ёқубовнинг айбдорлардан моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси Тошкент вилоят судида кўрилмоқда. Натижа қанақа бўлишидан қатъий назар, судда бу иш кўрилмоқда...

P.S. *Юқоридаги мақола шу ерда тугаган эди ва унинг ёзилганига беш-олти ой бўлиб қолди. Шошқалоқлик қилмай, иккала иш ҳам ниҳоясига етишини кутдик. Ниҳоят, Ўзбекистон туманлараро фуқаролик судида даъвогар икки марта чақирувда судга келмагани учун даъво кўрилмай қолдирилибди — тўхтатилибди. Бунгача эса пайтдан фойдаланиб, Файзиматовларнинг 18 йилдан буён яшаб турган уйи бошқа бировга сотиб юборилибди — Қўқондаги хусусий нотариус Ўткир Ашуралиев олди-сотди шартномасини тасдиқлаб-муҳрлаб берибди! Юқорида бўлиб ўтган суд Файзиматовларнинг қарши даъво аризасини ҳам қаноатлантириб, хусусий нотариус тасдиқлаган олди-сотди шартномасини бекор қилибди...*

Тошкент вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди эса тадбиркор Ёқубов фойдасига жами 3 миллион сўм моддий ва маънавий зарар ундириш тўғрисида қарор чиқарибди.

Бу хулосалар ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги қадамларимиз қийинлик билан бўлса-да, ҳар ҳолда олға босаётганини тасдиқловчи фактлар эканлиги кишининг дилини равшан этади.

Айни пайтда, агар айрим судларда, айрим судьялар адолат тарозисининг иймон ва виждон палласига кўпроқ тош қўйганларида, бу қадамлар янада илдамроқ бўлур эди, деган таассуф дилни бироз ранжитади.

Начора, балки ҳаёт зиддиятлардан иборат, деган аждодлар фалсафасининг мазмун-моҳияти шу бўлса керак-да...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ

Дараклар

МУЗОКАРАЛАР ТИКЛАНДИ

Колумбиялик исёнчилар мамлакат жанубидаги ўз ҳудудларини тарк этиш муддати тугамай туриб ҳукумат билан тинчлик музокараларини олиб боришга розилик билдирди. Октябрь ойида тўхтаб қолган музокаралар бугун қайта тикланади.

Ҳукумат эса исёнчиларни ўрмонга сиқиб, уларнинг ҳудудларини эгаллашга тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳукумат ва 16500 нафар исёнчи ўртасидаги уруш 37 йил давом этган, сўнги 10 йилда 40000 кишининг ҳаётига зомин бўлганди.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

Зимбабве президенти Роберт Мугабе мамлакатда бўлиб ўтадиган президент сайловлари эркин ва адолатли бўлишига сўз берди. Малавидаги саммитда Жанубий Африка ривожлантириш жамияти Зимбабве ҳукуматини сўз эркинлигини ҳурмат қилишга, март ойида кузатувчи ва халқаро журналистларга сайловни ёритишда рухсат беришга ва сиёсий зўравонликни тўхтатишга чақирди.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Филиппин жанубидаги Абу Сайёф гуруҳига қарши курашаётган ҳарбийларга ёрдам бериш мақсадида АҚШ 650 нафар аскарини мамлакатга жўнатмоқда.

АҚШ Абу Сайёф гуруҳини Бин Лоденнинг "Ал-қоида" гуруҳига алоқадорлигини таъкидлаганди. Бу АҚШнинг терроризмга қарши курашда Афғонистондан ташқари биринчи ҳарбий экспансияси ҳисобланади.

БРИТАНИЯЛИК... ТОЛИБЛАР

Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги хабарига кўра, ҳибсга олинган "Ал-қоида" ва толибон вакилларининг уч нафари Британия фуқаролари эканлиги аниқланди.

БИ-БИ-СИ хабарлари асосида Дилнора АЗИМОВА тайёрлади.

GLOBUS international life

Далолат

СУТКАСИГА — 51 ДОЛЛАР

Савол:

— Ҳамдўстлик давлатларига хизмат сафарига борувчиларга "суточный" ҳақи кўпайдими?

И.НУРМАТОВ

Жиззах

Жавоб:

— Бу ҳақда "А и Ф" ўзининг яқиндаги сонида ёзди. Россиядан хизмат сафарига борувчилар учун суткасига қуйидагича АҚШ доллари берилади: Туркманистонга — 64, Литвага — 58, Озарбайжонга — 50, Арманистонга — 47, Белорусга — 48, Грузияга — 45, Қозоғистонга — 41, Қирғизистонга — 44, Латвияга — 55, Молдовага — 45, Тожикистонга — 41, Украинага — 46, Эстонияга — 53.

Россияликларнинг Ўзбекистонда бир кунлик яшаши учун 51 АҚШ доллари ажратиладиган бўлибди.

Фестиваль

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Анқарада ўтказилган эрон фильмлари кинофестивали Туркия кино усталари, санъаткорлари ва кенг халқ оммаси томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Кинофестиваль ЭИЖнинг Анқарадаги маданият маркази томонидан Туркиянинг маданият вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилди. Унда Аббос Киёрустамий ишлаган "Хонайе дуст кўжост", "Таъмэ гилос" ва "Кўлузе об" фильмлари, Пурон Дерахшанде асари бўйича ишланган "Русарийе оби", Мажид Мажидийнинг "Рангэ Худо", Дориюш Меҳрижуйининг "Сора" ва Камол Табризийнинг "Меҳрэ модарий" асарлари намойиш қилинди.

Анқара киноматография уюшмаси раиси ва кинофестивални ўтказишга масъул бўлган Аҳмад Буёжи ўғли Эрон фильмларининг катта қизиқиш билан кутиб олинганлигини ҳайратланарли ҳол деб тавсифлади: "Шу кунгача жуда кўп мамлакатлар кинофестивалини ўтказдик. Аммо биринчи маротаба Эрон фильмлари кинофестивалида ҳамма билетлар олдиндан сотиб олинди".

У Эрон фильмларининг муваффақият қозониши сабаби тўғрисида шундай деди: "Эрон фильмлари ўтган ўн йил ичида турли мавзуларни акс эттиргани туфайли жаҳон миқёсида шуҳрат топди. Болалар, аёллар ва инсоний олижаноблик мавзуларининг содда шаклда айни пайтда ҳаётий ҳақиқатни маҳорат билан ёритиб берган ҳолда кўтариш, Эрон фильмлари муваффақият қозонишининг асосий омилидир".

Эрон фильмларининг асосий мухлислари зиёлилар, кино санъати усталари ва талабалардан иборат бўлган.

ЭИЖ маълумотномаси асосида тайёрланди

РАҚАМ

Айни пайтда Россия Федерацияси қамоқхоналарида 979 минг маҳбус "ўтирибди".

Жараён

"НОМАЪЛУМ УЧУВЧИ ЖИСМ"

Ёки Европа Иттифоқининг истиқболи

ШУМАНДАН ЧИҚҚАН ТАКЛИФ

Европа ҳамжамиятини ташкил этиш борасидаги кейинги ҳал қилувчи қадам Франция ташқи ишлар вазири Р. Шуман томонидан қўйилди. Жамоат арбоби Ж.Моне ғоялари асосида у ўзининг машҳур "Шуман Декларацияси"ни 1950 йил 9 майда эълон қилди. Ушбу декларацияда Европа давлатларига иқтисодни қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида умумий бозор доирасида иқтисодий имкониятлар ва воситалардан биргаликда фойдаланиш таклифи ифодаланган эди. Шунингдек, давлатларнинг бирлашиши ва унда Германия билан Франция орасидаги асрий адоватга барҳам берилиши лозимлиги таъкидланган эди.

Ниҳоят, Шуман таклифи асосида 1951 йил 18 апрелда Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург (Бенилюкс) ўртасида "Европа пўлат ва кўмир ҳамжамияти"ни ташкил этиш тўғрисида Париж шартномаси имзоланди. Айни шу давлатлар иштирокида "Европа иқтисодий ҳамжамияти" ва "Европа атом энергияси ҳамжамияти" таъсис этишга оид шартнома 1957 йил 25 мартда Рим шаҳрида имзоланди ва 1958 йилдан кучга кирди.

Шундай қилиб, иқтисоднинг асосий соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Умумий божхона иттифоқи доирасида товарларнинг (маҳсулотларнинг) эркин айланиши учун умумий бозор жорий этилди. Бироқ, бу иттифоқ ичида фуқароларнинг, хизмат кўрсатиш тизимлари ва капиталнинг эркин ҳаракатланиб юриши учун яна 30 йил кутишга тўғри келди. 1986 йил февралда имзоланган Ягона Европа ҳужжати умумий ички бозорнинг шаклланишидаги охирги босқич бўлди. 1992 йил мўъжазгина Маастрихт қишлоғида имзоланган Европа Иттифоқи тўғрисидаги Шартнома эса умумий хавфсизлик, ташқи сиёсат ва ҳуқуқ тартибот соҳаларида ҳам яқин ҳамкорликни йўлга қўйди ва тегишли муассасавий (институционал) тузилмаларни барпо этди. Бундан кўзланган мақсад, ягона ташқи сиёсий фаолият ва яхлит ҳуқуқий ҳудуд ташкил этишдир. Бу ўринда муштарак манфаатлар билан давлатлар суверенитети дахлсизлиги тамойилларининг ўзаро мувозанат касб этгани айниқса, диққатга сазовордир. Шу жиҳатлар билан Европа интеграцияси ўзининг иқтисодий манфаатлар билан чекланган бошланғич доирасидан чиқа олди ва минтақавий ҳамкорликнинг барча жабҳаларини қамраб олишга муваффақ бўлди.

РЕЖА, ИНТЕГРАЦИЯ ВА ХАРАЖАТ

Интеграция ҳудудий миқёсда ҳам гуркирай бошлади. 1951 йил ҳамжамият бор-йўғи юқорида санаб ўтилган олти давлатни бирлаштирган бўлса, 1973 йил ўз таркибига Буюк Британия, Дания ва Ирландияни қабул қилди. 1981 йил Греция, 1986 йил Испания ва Португалия, 1995 йил эса Австрия, Швеция, Финляндия ташкилотга тўлақонли аъзо бўлиб кирди.



Эндиликда 15та катта-кичик давлатни бирлаштирган Европа иттифоқи ташкилоти 3.234 минг кв км ҳудудни қамраб олиб, мазкур ҳудудда бугунги кунда 380 миллион аҳоли истиқомат қилмоқда. XI асрнинг биринчи ўн йиллигида иттифоқ яна 13 та янги аъзо давлатни ўз сафига қабул қилишга ҳозирлик кўрмоқда. 1998 йил 31 мартда Кипр, Эстония, Венгрия, Польша, Чехия, Словениядан иборат дастлабки олтилик билан бошланган музокаралар доираси 2000 йил 15 февралдан Болгария, Латвия, Литва, Мальта, Руминия, Словакия ҳисобига кенгайди. 1999 йил 11 декабрь Европа Иттифоқи Хельсинки Кенгаши аъзоликка номзодлар қаторидан Туркияга ҳам ўрин берди. Ана шу ҳолатда келгуси ўн йилликда хамжамият аъзолари 28 нафарни ташкил этиб, ҳудуди яна 2 миллион кв км га, аҳолиси эса 160 миллионга кўпаяди.

Тасдиқ ўрнида эслатиб ўтиш мумкинки, 1999 йил 24 мартда Берлин анжуманида қабул қилинган 2000 йил Ажандаси (Кундалиги) номзод давлатларнинг биринчи сафи 2004 йилдан аъзоликка қабул қилинишини таъкидласа, 2001 йил 14-15 декабрда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи Лекен Кенгаши аъзоликка тайёр давлатларнинг фуқаролари 2004 йилда ўтказиладиган парламент сайловларида иштирок этиши мумкинлигини яна бир бор эътироф этди.

Чунончи, бундан ҳозирги интеграцион жараённинг муҳим бир хусусиятини илғаб олиш ҳам қийин эмас: ўз тарихида ҳамжамият бу қадар тез суръатлар билан кенгайган эмас эди. Ўтган 45 йил ичида (1951-1995) унинг аъзолари сони 15 тага кўпайган ҳолда, кейинги ўн йилликда уларнинг сони 28 тага етмоқда. Бу тарздаги тезкор интеграция бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқариши эҳтимолдан узоқ эмас. Жумладан, олдиндан режалаштирилган биринчи "олтилик"ни аъзоликка қабул қилиш 60 миллиард евро харажатни талаб этади. Шунингдек, кенгайиш билан боғлиқ бир қатор муассасавий бошқарув муаммоларини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Қолаверса, Европа Иттифоқи аҳолиси орасида янги "жамиятдошлар"га нисбатан ишонч ҳисси ҳам ҳали шаклланиб улгурмаган. Шунинг учун ҳам ҳамжамият аҳолисининг учдан бир қисми Европа Иттифоқининг кейинги истиқболларига шубҳа ва хавотир билан қарамоқдалар.

ЕВРО МАШМАШАЛАРИ ЁХУД МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИ

Ягона пул бирлиги евронинг 2002 йил 1 январдан муомалага киритилиши ва 12 аъзо давлатни (Британия, Дания, Швециядан ташқари) қамраб олган евро ҳудудининг барпо этилиши ҳам бир қатор ижтимоий баҳсларга сабаб бўлмоқда. Евро шубҳасиз, интеграцион тараққиётдаги янги босқичдир.



Лекин айрим мутахассисларнинг фикрича, ягона иқтисодий ҳукумат, бюджет, социал ва солиқ сиёсатида муқобиллашган ягона мурувватларнинг (инструментларнинг) мавжуд эмаслиги ягона пул сиёсатидан кутилган натижаларни бермаслиги мумкин.

Муассасавий бошқарув масалалари билан боғлиқ муаммога қайтадиган бўлсак, ташкилот Европа Кенгаши, Парламент ва Комиссиядан иборат бошқарув тузилмаларига эга. Бош режа ва сиёсий қарорлар қабул қилувчи Европа Кенгаши (аниқроғи Европа иттифоқи Кенгаши) давлат ва ҳукумат раҳбарларидан иборат бўлиб, ҳамжамият ички ва ташқи сиёсатини белгилашда асосий мавқе эгаллайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият Парламентга, ижро этувчи ва қонунлар ижросини назорат қилувчи ваколат Европа комиссиясига берилган. Европа Кенгаши ва Парламентда ҳамжамият ҳаётига дахлдор масалалар овоз бериш йўли билан ҳал этилар экан, кўпчилик ўрин ва овозга эга катта давлатлар билан имконияти чекланган кичик давлатлар манфаатларини мувофиқлаштирувчи муқобил мувозанатни қарор топтириш масаласи тобора мураккаблашиб сиёсий "ўйин" тусини олиб бормоқда.

2000 йил 7-10 декабрда бўлиб ўтган Нисс Европа кенгаши ўрин ва овозлар тақсимоти бўйича Иттифоқнинг таъсис шартномаларини қайтадан кўриб чиққан бўлса-да, ҳали бу масала ўзининг тугал ечимини топганича йўқ. Чунончи, ҳамжамият 28 та аъзога кўпайган ҳолатда вакиллар тақсимоти ғоят ўткир масала бўлиб қолади. Шу боис, 2001 йил Лекенда (Бельгия) бўлиб ўтган охирги Европа Кенгаши "Европа истиқболи бўйича Декларация" қабул қилди. Иттифоқ сафига янги давлатларнинг қабул қилиниши билан Европа Иттифоқининг кенгайиши хусусида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва кейинги истиқбол режаларини ишлаб чиқиш бўйича Маслаҳат кенгаши (Конвенция) тузилди. Франциянинг собиқ президенти В.Ж.Д*Естанг бошчилигидаги кенгаш 2001 йил мартдан 2003 йил мартгача фаолият кўрсатиб, 2004 йилга қадар ҳукуматлараро шартнома лойиҳасини тайёрлаши керак.

ФИШЕРНИНГ ҒОЯСИ: КИМГА ҚАНДАЙ?

Айни пайтда Европа Иттифоқининг ташкилий қурилмаси ҳақида баҳслар ҳам давом этмоқда. Мунозаралар марказида эса Иттифоқнинг келгусидаги шакли ва мақсади қандай бўлишлигидир.

Айниқса, Германия Ташқи ишлар вазири Ёшка Фишернинг 2000 йил 12 майда Берлин шаҳрининг Гумбольт университетида қилган нутқи кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ўз нутқида Фишер "конфедерациядан федерацияга сакраш" ғоясини кўтариб чиқди. Унингча, амалдаги конфедерация бағрида тайёр ва хоҳловчи давлатлар федерацияга бирлашишлари мумкин. Бошқа давлатлар ҳам астасекинлик билан унинг таркибига вақти соати билан қўшилаверадилар. Албатта, Конфедерация ичида федерация тузиш Ж.Делор таъбири билан айтганда, "шартнома ичида шартнома тузиш" орқали амалга ошади. Шу ўринда ягона европа Конституциясини ишлаб чиқишга ишора ҳам йўқ эмас. Нима бўлганда ҳам Фишер ғоялари тезда ўз тарафдорларини топа бошлади. Бир қатор давлат раҳбарлари, жумладан Европа Комиссиясининг амалдаги Президенти Р.Проди Фишер қарашларини қўллаб-қувватлашини очиқдан-очиқ эътироф этди.

Бироқ федерация ғояси аъзоликка қабул қилинаётган номзод давлатларда салбий муносабат уйғотди. Польша ташқи ишлар вазири М.Жермек фикрича, Фишер таклифлари эндигина мустақилликни қўлга киритган суверен давлатларда норозилик аломатларини вужудга келтирган. Қолаверса, Испания ва Италия федерацияга ҳали эрта эканлигини таъкидлаган бўлса, бу ғоя Дания, Португалия, Финляндияда ҳам совуқ кутиб олинди.

Хуллас, Европа Иттифоқининг эртанги кун истиқболлари ана шундай мулоҳазадор таҳлиллар остида муҳокама қилинмоқда. Иттифоқ эса ягона ташқи сиёсат, ялпи ҳуқуқий ҳудуд, умумий ички чегара каби қатор элементлар билан федерация остонасида турибди. Ягона пул бирлигининг истеъмолга киритилиши эса олдинга ташланган яна бир катта қадам бўлди. Давлатлар эса тобора суверенитет белгиларини йўқотиб бормоқда, ўз давлатчилик ваколатларини астасекин Иттифоқ зиммасига юкламоқда. Шу маънода интеграция ўз олдига қўйган мақсадларни рўёбга чиқармоқда. **Зеро, унинг асосий мақсади Ж.Моне айтганидек, "давлатларни эмас, инсонларни бирлаштиришдан иборатдир".**

Ҳайдарали ЮНУСОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси

(Охири. Боши ўтган сонда)

Самимият

ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ ФЕДОР ДОСТОЕВСКИЙ РОЛИДА

Бу сарлавҳа баъзи ҳамкасбларимга эриш туюлсада, назаримда тўғри ва ўринлидир. Чунки рус адабиётининг жаҳон маданияти хазинасига қўшилган дурдоналаридан ҳисобланган Ф.М.Достоевский асарини таржима қилмоқ учун икки тилни аъло билишнинг ўзигина етмасди, адабий маҳорат ҳам камлик қиларди. Бунда, театр ибораси билан айтганда, Достоевский образига кириш, унингдай фикрлаш, сўзлаш, унингдай кенг дунёқарашга эга бўлиш, ҳаётни унингдай тадқиқ қила билиш керак эди.

Масалан, "Жиноят ва жазо" романини бир неча йил бурун ўқиганимда, таржиманинг айрим жойларини рус тилидаги асл нусхасига таққослаб кўрганман. Сабаби: киши руҳи, унинг одамларга муносабати шу қадар таъсирли чиқибдики, бу ҳолатларнинг рус тилида қандай тасвирланган экан деган саволга жавоб қидиргандим. Айниқса, романнинг VI қисмидаги саккизинчи боби ва эпилогидаги манзараларни ўқиганда Достоевский ўзбек тилида ёзгандек туюлади, жуда равшан бўлганлиги мени ҳайратда қолдирган ва қувонтирган эди.

Бўлар иш бўлиб, яъни Раскольников судхўр кампирни ва унинг синглисини ўлдиргач, синглиси Дуня акасининг таниши Соня ҳузурига келади. Икки қизнинг ёниб-куйиб Родион Раскольников тақдири ҳақида кўз ёши тўкиб гапиришганларини лоқайд ўқиб бўлмайди. Ўшандан сўнг, Дуня чиқиб кетгач, Сонянинг хонасига Раскольников киради: "...Соня куни билан уни ўтакаси ёрилиб кутиб ўтирди... Қизнинг кўксидан шодиёна нидо отилиб чиқди. Лекин Раскольниковнинг юзига диққат билан тикилгач, бирдан ранги қув ўчиб кетди.

— Топдинг! — деди тиржайиб Раскольников, — мен сендан оқ фотиҳа олгани келдим, Соня".

Сўнгги икки сатр рус тилида мана шундай ёзилган: "Ну да! — сказал, усмехаясь, Раскольников, — я за твоими крестами, Соня". Крест сўзи таржима қилинганда, маъно чиқмас эди. Шу каби мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

ЕТМИШ ЙИЛЛИК ТААССУРОТ

ТАҲРИРИЯТДАН: Газетамизнинг ўтган йил 7 ноябрь сонида эълон қилинган "Достоевскийни унутиб бўлмайди" мақоласи кўпчилик муштарийлар эътиборига тушди. Шу аснода фарғоналик кекса журналист, кўплаб ёшларнинг меҳрибон устози Воиз Музаффаров қаламига мансуб қуйидаги самимий битиклар қўлимизга келиб тушди.

30-йилларда, Тошкентдалигимда Достоевскийнинг "Преступление и наказание" романини ўқигандим. Ўқиб бўлгач, асарни туркийларга таржима қилиш ўта қийин бўларди, деб ўйлаганим эсимда. Чунки унда рус руҳи жуда бўрттириб кўрсатилган.

5-6 йил бурун романнинг таржимасини топиб ўқидим ва бу асар ҳақида дурустроқ нарса ёзмоқчи бўлгандим, лекин таржимага аллақачон баҳо берилган, деб эшитдим. Икки йил олдин оғир касалландим. Операция қийнаб қўйди. Ҳозир яна роман ҳақида мақола ёзиш ниятим бор-у, имконим йўқ... Сабаби фақат хасталикда эмас, уни енгса бўлади. Жуда кўп материал керак. Демак, кутубхоналарда ўтириб ишламасам бўлмайди. Мен эса юра олмайман...

Соғайиб қолсам, роман ҳақида рус ва ўзбек мутахассислари билдирган фикрлар билан танишмоқчиман. Ҳозирча мухтасар қайдларни жўнатяпман.

Воғиз МУЗАФФАРОВ

2001 йил 14 ноябрь
Фарғона

Ўйлайманки, таржимон, айниқса, эпилог устида ихлос ва ўзгача завқ билан меҳнат қилган.

Сибирда маҳбусларнинг ўзаро муносабатлари жуда ҳаққоний тасвирланган. Хусусан, маҳбусларнинг Раскольниковга чексиз нафратлари ва Соняга нисбатан жўшқин меҳр-муҳаббатлари ҳақида ўқиганда ларзага келасан киши. Рус мумтоз адабиётида — Пушкин, Толстой, Лермонтов, Тургенев асарларида аёлларнинг унутилмас образлари яратилган. Лекин Достоевскийнинг Соняси адабиётда алоҳида ўринга эга.

Иброҳим Ғафуров илоҳий муҳаббат соҳибаси ва мислсиз фидойи қиз образини шу қадар авайлаб, севиб яратганки, унинг ёзмиши ва характерининг айрим жиҳатлари халқимизга яқин, қадрдон оғзаки ва ёзма адабиётимиздаги қаҳрамонлар Ойбарчин, Ширин, Лайло, Кумуш каби сиймоларни эслатади.

Буюк асар таржимони И.Ғафуров "Жиноят ва жазо" романи устида олижаноб меҳнат қилишдан бошқа ҳеч қандай иш билан шуғулланмаганида ҳам адабиётимиз тарихида муносиб ўрин эгаллашга ҳақли бўларди, деб ўйлайман. Бу заҳматли, сермашаққат меҳнати билан у маданиятимизнинг содиқ жонкуяри эканини кўрсатди. Кечикиб бўлса-да, унинг букилмас иродасига ва мислсиз жасоратига офарин, дейишимиз керак.

Кўнгил

СОҒИНЧДАН УЛҒАЙГАН САТРЛАР

Эҳ онажонимей, сизни қанчалик соғинганимни билсангиз эди. Иссиқ қучоғингиздек улуғ, хизматингизни қилишдек савобли иш туриб талабаликни хоҳлаганимга, ҳовлимиз, қишлоғимиздек гўзал маскан туриб шаҳарни орзу қилганимга гоҳида пушаймонлар бўлиб кетаман.

Талабаликданоқ ҳаётнинг синовлари қанчалик қийин, аччиқ ва кези келганда тотли эканлигини ҳис қилаяпман. Талаба бўлмаганимда Сизнинг, ўша ғамсиз, беғубор кунларимнинг қадрига етмасдим, эҳтимол. Эҳтимол, Сизни бунчалик оппоқ-оппоқ, узун-узун соғинчлар меҳробига ўраб кўра олмаган бўлар эдим.

Айниқса, таътил кунлари яқинлашаётганда қандай аҳволга тушишимни билсангиз эди. Ўзимдан олдин юрагим типирчилаб, қафасдаги қушдек беҳаловат бўлишини айтмайсизми? Негадир айнан мен кетаётган машина ҳам имиллаётгандек туюлади.

Бир вақтлар эртаклардагидек буюк орзу саналган, йиғлаб-йиғлаб йиқилиб-қоқилиб Оллоҳдан тилаб-тилаб ва ниҳоят бир амаллаб ўқишга кирганимни эшитиб ҳам шаҳарга бунчалик орзиқиб чопмаган эдим. Сабабини... сабабини эса энди билдим. Оиламиз, райҳону атиргулларнинг хушбўй ҳиди уфуриб турган ҳовлимиз, қўни-қўшни, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, жонажон қишлоқ, тонгда қўй-қўзиларнинг маъраши-ю, Сизнинг човуллатиб сигир соғаётганингиз, хўрознинг чўзиб-чўзиб қичқириши, қулоққа биринчи бўлиб чалинадиган майин, дилни уйғотувчи, қалбни эзгуликка чорловчи азон товуши, обдастанинг тарақ-туруқи... хуллас, ҳамма-ҳаммаси, болаликданоқ шу пайтгача вужудимга, қон-қонимга сингиб кетган урф-одатлар, таниш чеҳралар, тўй-ҳашамлар, қишлоқда тонг маҳали эсадиган, қуёш нури ўпиб улгурмаган совуқ, аммо сирли-сеҳрли шамоллар... ҳамма-ҳаммасини соғинарқансан.

(Охири. Боши ўтган сонда)

Биласизми, гоҳида мана шуларни шаҳардан излаб қоламан, ҳатто сизнинг меҳрингизни ҳам. Қани эди, онажон, топа олсам. Афсуски, уларни топиш анқонинг уруғини топгандан-да мушкул. Айниқса меҳр, азиз ва мўътабар инсонийлик туйғусини айтмайсизми?

Эҳ онажон, онажон! Орзиқиб кетган пайтларим Сизнинг меҳрингизни ҳам тош шаҳардан излаб қолганим учун ўзимдан нафратланаман. Оддийгина самимий салом-алик, инсонийликни топиш амримаҳол бўлган "роботлар шаҳри"дан Сизнинг қуёшдан-да иссиқ ва чексиз, олтинга алмашиб бўлмайдиган меҳрингизни топиб бўлмаслигига журналист қизингизнинг ақли етмаганига, етса-да, қайсарлик қилиб излаганимга уялиб кетаман.

* * *

Паловхонтўрани сузиб, дастурхонга қўйганда Сизнинг, умуман бирор бир таниш ва кекса қўлнинг йўқлигини сезиб томоғимдан ош ўтмайди. Анча пайтгача ютинолмайман. Овқат ҳам бемазадек туюлаверади. Тўғриси, шу пайтгача неча бор ош пиширган бўлсам, уларнинг ҳеч бири сизникига ўхшамайди. Кўп яхши давраларда бўлдим, яхши-яхши, пиру бадавлат инсонларнинг дастурхонидан овқатландим, лекин бирор марта ҳам Сизникидек ширин ош ея олмадим. Балки ростдан ҳам ширин эмасдир, билмадим, аммо шуниси аниқки, Сиз ёнимда бўлсангиз, ғариб дастурхоним ҳам шоҳона, еяётган шавлам паловдан-да мазали бўлади.

Дастурхонга фотиҳа ўқиш пайти етганда Сизнинг қироат билан берилиб, тинмай, имонли, бахтли бўлишимизни тилаб пичирлашингизни соғиниб кетаман. Ўзим ҳам сизларнинг узоқ умрингизни, тилаган бахтингиздан-да ортиқ бахтни кўришингизни, яхши кунларда, тўйларда қўлларингизни дуога очиб турганингизни кўришни Оллоҳдан тилаб фотиҳа ўқийман. Кўзимдан тўкилган, тўкилаётган ёшларни кўриб, Сизнинг уйқусизликдан киртайган, сўлғин кўзларингизни эслаб ҳовучимни ёшга тўлдираверaман, тўлдираверaман...

Соатнинг асабни ўйнатиб беўхшов қичқириши билан уйғониб кетарканман, ҳар тонгда бошимни силаб:

"Тур, турақол болам, тонг отиб қолди, тур, эрта турган кишига Оллоҳ ризқ улашади. Саҳар туриб, яхши-яхши дуо қил, тонгда туриб қилинган дуо ижобат бўлади. Тур болам, тур, дарсингга ҳам кеч қоласан", — деб уйғотишларингиз қулоғимга аллодек ёқиб, тургим келмай эркаланиб ётганларим, "Болам чарчабди, майли ухлайверсин", — деб кўрпамни қайта ёпиб, ўраб, юзларимни, пешонам, сочларимни силаб қўйишингизни соғиниб-қўмсаб кетаман: "Тур болам, тур..."

Соат ўлгур ҳам жағи тинмай қичқираверади:

— Тут-ту-тут-ту-ту-у-у...

...Қарс-с...

— Тут-ту-тут-ту...

— Онажон, онажон, она-а-а-жо-о-н!

Соғинч сочларимни
силайди силтаб,
Узлукиб кетаман,
қолмас танда жон.
Менинг кўз ёшимни
тилайди алдаб,
Жудаям соғиндим
сизни, онажон!

Талабаликдаги энг қаттиқ,
энг оғир,
энг узун,
энг... энг... энг...
соғинган кунимда

қизингиз

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети толибаси

Сиҳат

"ЧЕККАНГА НИМА ЕТСИН!"

деганлар ғафлатда қолибди

Савол:

Ҳамиша ҳам эмас, асабим бузилганда сигарет чекиб тураман. Тамакининг зарари хусусида кўп эшитганман. Бироқ уларнинг бари қуруқ насиҳатдан нарига ўтмаганидан энсам қотиб, ҳали ҳам чекишни ташлолмай овворaман.

Имкон топиб газетангизда кашандаликнинг зарарли оқибатларини аниқ-тиниқ эълон қилсаларинг, менга ўхшаш иккиланаётган ёшларга сабоқ бўлармиди...

ҚИЁМИДДИН,
талаба

Тошкент шаҳри

Бундай саволга дабдурустдан жавоб бериш осон иш эмас. Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб деганларидек, бу саволга жавоб беришни бошидан ўтказган ТАБИБга қўйиб бердик.

ТАҲРИРИЯТ

Жавоб:

Гапнинг "ўғил бола"си чекиш тўғрисида ёзмоқчимасдим. Шундоғам "суви" чиққан мавзуни ким ҳам ўқирди дейсиз. Ўқиганда-чи?! Бирор нарса ўзгарармиди, "Отангга раҳмат, боплаб ёзибсан, ке, ёзганларинг ҳаққи-ҳурмати шу савилни ташласам ташлай қолай", -дейдиган мард топилишига кўзим етмайди-да. Буёғини айтсам, сигаретнинг мазасини билмаган одамнинг ёзганию ўзи деб қўл қовуштириб турган билан иш битмайди. Бир пайтлар аканг қарағай ҳам кўздан нари, панапастқамда "паровоз" қилиб чекканмиз. Фақат бир гал отамнинг қўлига тушиб...

Келинг, бир лирик чекиниш қилсам, қилибман-да! Психолог олимларнинг фикрига кўра одам боласининг тақиқланган ва яширин, сирли нарсаларга қизиқиши кучли бўларкан —бунга Одам ато билан Момо ҳавонинг қилғилигидан яхшироқ мисолни топиш маҳол. Бехосият қизиқиш тубсиз чоҳга бошлаётганидан хабарсиз инсон умр бўйи қат-қат карохат пардаларини узиб-кесиб бораверади. Бировмас, ўзига ўзи чоҳ қазаётганини хом сут эмган банда қайдан ҳам билсин.

Лирик чекинишдан чекинадиган бўлсам, сигаретга қизиққан одаммасдим. Унга ошнолигим бор-йўғи курмағур тутатқининг катталарнинг лабига ўхшаб туришидан бошланган. Адашмасам, болалигимда ҳовлимизга келган меҳмонлар ташқарига чиққанида қолдирилган сигаретларни бир бирига ула-аб дегандай, "эркакчилик" қилганим бор гап. Болаликдаги ўйинқароқликми ёки билиб-билмай қилинган шўхлик эдими бу, тушунолмай ҳалакман. Бу одатим кўпга бормаган, бир гал тортаётганимда, ғафлат босиб савилнинг тутуни томоққа ўтиб йўтал тутиб қолса бўладими, а-ҳў, а-ҳў дейман, бу етмагандек, уйга отам кириб қолдилар. Ҳозир қиёмат қўпади деб тургандим...

Ҳаваскор ТАБИБ

(Давоми бор)

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT
Har chorshanba kuni chop etiladi

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-3.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —19.00
Буюртма — Г - 3142

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Суҳбат

ТЎЙДАН ГЎЗАЛ ТАДБИР ЙЎҚ

Рустам Ҳотамовни "Ёшлар" радиоканали шинавандалари яхши танишади. Саҳнада, тўйларда кўрганлар борки, у ҳақда фақат яхши сўзларни айтишади. Бошловчи бўлиб кўп йилларни ортда қолдиргани йўқ. Ўзига қолса, ҳали тажрибаси ҳам жуда оз. Лекин воҳаю водийдан йўқлаб келувчилар, тўйимга бош бўласан дегувчилар ҳам кам эмас-да. Узоқ-яқиндан келган мактубларнинг сони-чи? Жозибали нутқ соҳибининг фаолиятига қизиқиб, суҳбатга тортдик.

— Рустам ака, халқимизнинг тўй-ҳашами, катта-кичик тадбири бошловчисиз ўтмайди. Бошловчини даврани юзи деб таърифлашади. Тилимизда гоҳ диктор, гоҳ сухандон деб юритиладиган бу санъатнинг асосида нима ётади: масхарабозликми, қизиқчиликми ёки нотиклик?

— Бошловчилик қизиқчилик ёки масхарабозлик дегани эмас. Мен бошловчиликни энг аввало айтилмоқчи бўлган фикрни содда ва аниқ ифода этиш деб тушунаман. Қолаверса, у нутқи билан гўзаллик ва нафосат ярата олсагина вазифасини бажарган бўлади. Мана шу икки хусусиятсиз бошловчиликни тасаввур этиш мушкул. Воиз Кошифийнинг шундай иборалари бор: "Сўз ҳамма вақт савоб учун ишлатилиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим ўтирган маъқул".

— Назаримда сухандонлик фикрдан узилиб қолгандай, фақат узун-кетин ва такрорий гапларни безаб гапириш билан мақсадга эришиб бўлмайди-ку! Ўзингиз бунга қанчалик амал қиласиз?

— Биласизми, тўй, йиғинларга келган одам, албатта ниманидир эшитади, ўйлайди, хулоса қилади. Кўп давраларда менга ҳам фикрли, яъни маънили гапларни қўй, кўпроқ кулдирадиган, йиғлатадиганидан айт, деб ҳоли-жонимга қўйишмайди. Ҳадеб чиройли сўзларни ишлатавериш билан бирор фикр ифода этилмаса, бундан ёмони йўқ. Шунингдек, замондошларимизга ҳадеб ақлли гапларни айтиш бефойда, чунки уларнинг ўзи ақлли... Мана шундай ҳолларда томошабиннинг талабига қарши боришга мажбур бўласан киши. Майли у хоҳламасин, лекин эшитяпти-ку. Гоҳ кулдирсин, гоҳ йиғлатсин, бироқ шу орқали бошловчи жўяли гапни айта олса, мақсадига эришган бўлади. Мен шунга ҳаракат қиламан. Бунинг уддасидан чиқяпманми йўқми, буниси мухлисларга ҳавола.

— Айрим бошловчилар ТВ кўрсатувлари ёки реклама роликларида ўзини намойиш қилиш билан кўпчиликка танилиб қолган...

— Фикрингизни тушундим. Санъатда ҳам рақобат бўлади. Шу маънода реклама санъаткор учун зарур. Улардаги бошловчилик маҳорати, нутқ ва овоз жарангдорлиги қандайлигини баҳоламоқчи эмасман. Машҳур бўлишда рекламанинг муҳим омил эканлигини айтмоқчиман. Тўғри, баъзида кимнингдир шу орқали танилиши ижодий нафсониятимга тегиб кетади. Бироқ, ҳали ўзимни ТВ ёки реклама роликларига солиб кўрганим йўқ. Бу борада ўз режаларим бор.

— Радиода бошловчи, саҳнада диктор, тўйда давракашсиз. Сиз учун қайси бири муҳимроқ?

— Бошловчилик, дикторлик, давракашлик—булар бир-бирини тўлдиради. Уларни бир нарса деб қарамаслик керак. Масалан, саҳна билан тўй даврасини умуман тенглаштириб бўлмайди. Тўй қийин ва мураккаб йиғин. Тўйда одамларнинг кайфиятини илғаб олиш, ўрганиш мушкул. Саҳнада қисқа вақтда бошловчи ҳам саҳна руҳини ўзлаштириши, ҳам фикрини равон ва чиройли ифода этиши лозим. Радиода эса берилган вақтдан унумли фойдалана олиш зарур. Буларнинг барчаси менга завқ бағишлайди. Чунки мен ўз эрким, ҳунарим билан ишлайман. Кайковус айтганидек, "Барча ҳунарлардан сўз ҳунари яхшироқ".

— Мухлисларни қандай "овлайсиз"?

— Мен даврада ҳар хил усуллардан фойдаланаман. Энг асосийси томошабинни хафа қилиб қўймасам бўлди. Имкон қадар уларнинг кўнглини оламан. Қизиқчилик қилиб кулдираман, маҳзун сўзларим билан ўйлатаман. Ложи борича маънисиз гапиришдан қочаман. Одамлар мени эшитмагунича қўймайман. Биласиз, саҳна ва тўйларда профессионал дикторлар ҳам одамларни ўзига қарата олмаслиги мумкин. Айниқса, тўйда. Тўйхонага яхши кайфиятдагилар билан жаҳли бурнини устида турадиган ёки руҳан тушкун одамлар ҳам ташриф буюради. Баъзида маст-аласт деганидек.... Бошловчининг ютуғи барчанинг кўнглини ола билишда. Тўйнинг кўнгилдагидек ўтишини эса асосан йиғилган одамларнинг руҳи, кайфияти белгилайди.

— Қизиқчиликни ҳам биноийидек эпларкансиз-да?

— Баҳоли қудрат, лекин ўзимни қизиқчи деб ҳисобламайман. Юртимизда бармоқ билан саноқли қизиқчилар бор. Мен уларнинг ижодига катта ҳурмат билан қарайман. Бу борада баъзиларини устозим деб биламан. Гарчи фотиҳасини олмаган бўлсам-да Мирзабек Холмедов мен учун шундай одам.

— Тўй эгасининг сиздан кўнгли ранжиган ҳолатлар ҳам бўлганми?

— Бўлган. Бир сафар Гулистонда тўйни маромига етказиб ўтказдим. Шунда келишган бир одам, афтидан амалдор бўлса керак, ёнимга келиб, ўғлимнинг тўйини сен ўтказиб берасан деб туриб олди. Афсуски, у айтган кунга бошқанинг тўйига ваъда бериб қўйгандим. Бу одам орқамдан Тошкентгача келди. Ахийри, ҳеч бўлмаса, жиянимни тўйини ўтказиб берасан, деди. Рози бўлдим, тўйга бирга жўнадик. Кайфиятим жуда ёмон эди, ҳар қанча ҳаракат қилмай, тўйни кўнгилдагидек ўтказа олмадим. Ушанда тўй эгаси кайфиятинг мени қизиқтирмайди дея ошкора танқид қилганди.

— Бошловчи мажбурий кайфиятда юрадими?

— Бошловчи фақат аъло кайфиятда юриши керак деган фикрга қўшилмайман. У ҳам одамку, ўзига яраша ҳис-туйғуси, ҳаяжони бор. Ҳамма қатори унга ҳам мажбурий кайфиятни сингдириб бўлмайди.

Юқорида тўйнинг бошқа йиғинларга қараганда мураккаб йиғин дедик. Бу унинг бошқа давралардан қуйи даражадалигини англатмаслиги лозим. Аксинча, энг яхши одатлар, қадриятлар каби гўзаллик ва нафосатнинг энг сара намуналари ҳам тўйларимизга хос. Кузатган бўлсангиз, катта-кичик маданий тадбирларда иштирок этиш, таниқли санъаткорларнинг ижодидан, суҳбатидан баҳраманд бўлиш имконияти барчада бир хил эмас. Тўйда эса бунинг акси. Тўй кўриш иштиёқи билан узоқ-яқин жойлардан одамлар йиғилади. Бундай даврада санъаткор, хусусан бошловчи обдан "тўкилиб" олиши, латиф туйғуларнинг сара намуналарини кўрсата олиши керак.

— Нега кўпроқ насиҳатнамо, дардчил қасидаларни айтасиз?

— Қайси бир тўйга бормай одамларда шу мавзуни эшитишга мойиллик бўлади. Шунинг учун бу мавзуларга кўпроқ мурожаат қиламан. Мухлислар шуни исташади. Ҳадисда истамаганларини сўзласанг, истамаганингни эшитасан, дейилади. Бу менинг шиорим.

— Тўйда қўшиқчи билан даврақаш бир-бирини тўлдириб боради. Сиз қўшиқчилар билан қандай муносабатда бўласиз?

— Тўйлар ҳамма ерда ва ҳар хил бўлади. Барчасига битта санъаткор билан бориб бўлмайди. Санъаткорни тўйнинг эгаси танлайди. Бошловчини ҳам. Бироқ, кўнгилдаги одамларинг билан даврада бирга бўлишга нима етсин. "Сурхон" гуруҳи билан беш йилдан бери ҳамкорлик қиламан. Айниқса, гуруҳ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон ака Намозов билан бир-биримизни яхши тушунамиз.

— У билан ишлаш осонми?

— Йўқ, аксинча. Ўжарлигим боисми, кўпроқ дакки эшитишга тўғри келади. Лекин бу даккилар самарасиз кетмаган. Мендан ёши ҳам, тажрибаси ҳам катта. У бошга иш тушганда қадрдон ака, қаттиққўл раҳбар, шу билан бирга бағрикенг инсон. Ҳамкорлигимизга кўз тегмасин.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
суҳбатлашди.

Жаҳонгашта синглимиз Дилнорахон!

Туғилган кунингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз!

Сизга ижодий ютуқлар, оилавий ҳаётингизда бахт ва омад тилаймиз. Ҳаммамизнинг бахтимизга соғ-омон бўлинг.

"Ҳуррият"чилар

Ҳурматли Салима янга!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Илоҳим, узоқ умр кўринг, акамиз ва жиянимизнинг бахтига ҳамиша соғ-омон бўлиб, уларга ҳамдард, ҳаммаслак бўлишдан ҳечам ҳориманг.

Сизга оилавий бахт-омад тилаб,

синглингиз Саидахон,
укангиз Зокиржон.

Ўғлимиз Лазизжон!

Сени туғилган кунинг билан табриклаймиз. Дунёдаги барча эзгу ниятлар сенга бўлсин. Орзуларинг амалга ошишига тилакдошмиз.

Оила аъзоларинг

Тошкент вилояти Занги-Ота туман Бўз-сув ҚФЙ ҳудудидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш "Хислат" шўъба корхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси кекса журналист, тарихчи олим

Муҳаммаджон БАҚОЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тузувчи: Ғафуржон МАДАЛОВ



Боғланиш
Тоғли туманлардан бири
Африкадаги дарё
Қиз бола исми
Осиё давлати
Расм дафтари
Йигит исми
Ўнлик рақам
Аҳил
Ақл-ҳуш
Муҳташам иморат
Нота
Доривор ўсимлик
Қиммат-баҳо маъдан
Инъикос
Самовий ранглар жилваси
Уй ичига терилган тахта
Ҳашарот
Сифатсиз
Волида
Қушлар «кийим»и
Қироатчи мулла
Фазовий
Дори номи
Келишик қўшимчаси
Косметика тури
Фойда
Бугдой маҳсулоти
Қайснинг маъшуқаси
Тўнғич қиз
Ичимлик тури (русча)

Ўтган сонда берилган бошқотирманинг жавоблари:

ЎНГГА: 1.Лақай. 2.Мот. 3.Ой. 5.Ойна. 6.Орол. 8.Ош. 9.Сув. 10.Қипиқ. 11.Каноп. 12.Ним. 13.Ер. 15.Ўчоқ. 18.Ин. 19.Тор. 20.Камий.

ЧАПГА: 1.Лой. 2.Майна. 4.Оқ. 5.Овоз. 6.Отар. 7.Ун. 9."Сароб". 12.Нишон. 14.Ип. 15.Ўрик. 16.Амир. 17.Ом. 19.Таниш. 20.Кит.